

28-29 июнь кунлари «Туркистон» саройида республика ўқитувчиларининг I конференцияси бўлиб ўтди

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЭЪЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 30 июнь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 51 (7350)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

2001/2002 ўқув йилида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИГА ҚАБУЛ КВОТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқув жараёни сифатини узлуксиз ошириш, ушбу таълим муассасаларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлашни жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги 250-сон қарорига мувофиқ Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти, шунингдек, Урганч, Қорақалпоқ, Андижон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетлари таркибида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларга 2001/2002 ўқув йилида ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагог кадрлардан бакалаврлар тайёрлаш учун давлат грантлари асосида жами 1200 қабул квоталари белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва тегишли таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

Белгилансинки, Тошкент давлат педагогика университети ўрта махсус маълумот негизида педагог кадрларни олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларида бакалавр даражасида ўқитиш усулининг илмий-методик асосларини яратиш, жойларда тўпланган ижобий тажрибани умумлаштириш ва уларни амалиётга жорий этилишини таъминлаш масалалари юзасидан мувофиқлаштирувчи муассаса ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига ажратилган қабул квоталарини ўқитишнинг тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни бир ҳафта муддатда Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

3. Давлат тест маркази икки ҳафта муддатда: олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига мослаштирилган кириш тест синовларини материалларини тайёрласин, ушбу тест синовларини адолатли ва юқори савияда ташкил этишга доир зарур чора-тадбирларни белгиласин ва амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларида ўқиш истагини билдирган педагог кадрлар учун тест синовларига тайёргарлик кўриш юзасидан тегишли йўриқномалар тайёрласинлар ва оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини ташкил этсинлар.


4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2001/2002 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига давлат грантлари асосида бакалавриятга қабулни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил, 28 июн.

**Қарорга шарҳни
2-саҳифада ўқийсиз**



АСОСАН МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАНДИ

Одатда ҳар қандай соҳа бўйича республика миқёсида бўладиган анжуманга сараланганлар — яхшиларнинг яхшиси, зўрларнинг зўри келади. Ўзбекистон Республикаси ўқитувчиларининг биринчи конференцияси ҳам янгиликка интилувчан, фаол, ижодкор муаллиму муаллималар келишгани конференциянинг биринчи иш кунидак маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой Жўраев ўз ишини 28 июнь куни соат 10.00да «Туркистон» саройида бошлаган конференцияни кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг сўз Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматовга берилди.

Узоқни кўзлайдиган одам ҳеч қачон эришган муваффақиятига махлиё бўлиб, овуниб қолмайди. Ҳ.Кароматов ўз сўзини бошлар экан, аввало конференция иштирокчиларини фаол бўлишга, ютуқларни яна бир бор

қаторлаштириб санашдан кўра, мавжуд муаммоларга тўхталиб, асосан уларнинг ечими устида фикрлашиб олишга ундади.

Ушбу йиғиндан мақсад бундан тўрт йил олдин қабул қилинган, ўзига хос Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ишларнинг биринчи босқичи яқунлари, хулосалар ва кейинги босқич вази-

фаларини келишиб, белгилаб олиш экан, бу, албатта, конференцияда иштирок этаётган ҳар бир вакил зиммасига залворли масъулият юклайди. Ўтган тўрт йил давомида кўзга кўринарли ютуқларга эришилди. Энг аввало таълимда узлуксизликни таъминлаш йўлидаги изчил ҳаракатларни эътироф этиш лозим. Албатта, бу муваффақиятлар ўзимизники. Эндиги мақсад мавжуд камчиликлар, муаммоларни бартараф этиш устида ишлаш бўлиши лозим.

Ҳозирги пайтда Республикада 6742та мактабгача таълим муассасасида 610 мингга яқин болалар таълим-тарбия олмақдалар. Бу 16,2 фоизни ташкил этади. Албатта, бу рақамлар етарли даражада эмас. Миллий дастурга мувофиқ янги, нодавлат таълим муассасалари ташкил этилаёпти. Бироқ, ёпилган болалар боғчалари қайта очилмаяпти.

Ҳ.Кароматов умумий ўрта таълим тизимидаги муаммоларга тўхталар экан, асосий эътиборни дарсликлар масаласига қаратди. Дарслик — ўқитувчи ҳамда ўқувчи учун энг зарур қўлланма, қурол экан, унинг сифати, миллий

истиклол гоёси тамойилларига нечоғли мос келиш-келмаслигига жиддий эътибор бериш лозимлиги, бу борада қилинадиган ишлар ҳали кўп эканлигини таъкидлади. Мактабларга ҳомийларни жалб қилиш, ўқитувчи кадрлар етишмаслиги каби масалаларга ҳам тўхталди.

(Давоми 3-бетда)



Меҳмонхона
Гавҳар Зокирова
билан суҳбат
6-бет

Инглиз тили
сабоқлари
12-бет

Нисбийлик
назариясининг
яратилиши
13-бет

«Билбол» —
янги спорт
ўйини
15-бет

(Давоми 4-бетда)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “2001/2002 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИГА ҚАБУЛ КВОТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқув жараёни сифатини узлуксиз ошириш, ушбу таълим муассасаларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлашни жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси “2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига қабул квоталари тўғрисида” қарор қабул қилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув юрларида 120 минг нафардан ортиқ ўрта махсус маълумотга эга

бўлган ўқитувчилар меҳнат қилмоқда. Уларнинг олий маълумот олишлари учун кўшимча имкониятлар яратиш, таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни сифатини ошириш мақсадида, Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти, шунингдек, Урганч, Қорақалпоқ, Андижон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетларида ўрта махсус маълумотга ва камида уч йиллик педагогик стажга эга бўлган педагог кадрларни қабул қилиш ва бакалавриятда ўқитиш учун ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларга қабул квоталари белгиланди.

Шуниси аҳамиятлики, уч йилга мўлжалланган бу мутахассисларни ўқитиш давлат грантлари асосида, яъни давлат бюджетни ҳисобидан амалга оширилади.

Тошкент давлат педагогика университети педагог кадрларни олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига бакалавр даражасида ўқитиш усулининг илмий-методик асосларини яратиш, жойларда тўпланган ижобий тажрибани умумлаштириш ва уларнинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш масалалари юзасидан мувофиқлаштирувчи муассаса этиб белгиланди.

Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ва Халқ таълими вазирлигига қабулни юқори савияда ва адолатли ўтказиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, мазкур уч йилга мўлжалланган таълим жараёнининг ижобий натижалари педагог кадрлар тайёрлашнинг ушбу усулини мунтазам равишда такомиллаштириб боришга хизмат қилади.

Ҳукуматимизнинг ушбу қарори республикада умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш, педагогларни ижтимоий муҳофаза қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига касб байрамлари муносабати билан табрик мактуби йўллади.

МУКОФОТ

Республикаимизда савдо соҳасини ҳамда маиший хизмат кўрсатишни бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантиришга, савдо маданиятини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик самарали меҳнати ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида биноан фахрий унвон, орден, медал ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

ШУ АЗИЗ ВАТАН— БАРЧАМИЗНИКИ

Республика Бадий академиясининг кўргазмалар залида Андижон вилояти меҳнаткашлари Муस्ताқиллик йилларида эришган муваффақиятларини тараннум этувчи “Шу азиз Ватан барчамизники” шиори остида фестивал бўлиб ўтмоқда.

КАТТА ТАДБИРГА АЙЛАНГАН КЕЧА

Талабалар шаҳарчасида ҳар ҳафта доимий ўтказилиб келинаётган жума оқшоми нафақат шаҳарчадаги талабалар учун, балки пойтахтимиздаги барча олий ўқув юрти толиби илмлари учун ҳам бирдек севимлидир. Зеро, бу фикримизга, Тошкент шаҳрининг турли жойларидаги ОУЮ талабаларининг кечага ташриф буюриши ва ҳордиқ чиқариб кетишлари яққол мисол бўла олади.

Бу галги жума оқшоми Тошкент шаҳар ХДП Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди. Оқшомда, шунингдек, Тошкент шаҳар ХДП МК туманлар котиблари ҳам иштирок этишди. Кечада Тошкент шаҳар ХДП МК котиби Аслиддин Рустамов сўзга чиқиб, талабаларни ўқув йилини муваффақиятли яқунлаганликлари билан кутлаб:

— Юртимиз келажаги

ишончли ва забардаст талаба-ёшлар кўлида, бунга эса талабалар шаҳарчасида туриб амин бўлмоқдамиз, — дея таъкидлади.

Шундан сўнг Тошкент шаҳар ХДП МК котиби А.Рустамов ва Талабалар шаҳарчаси ХДП кенгашининг биринчи котиби И.Бердиевлар томонидан ХДПга янги қабул қилинган бир гуруҳ талабаларга аъзолик гувоҳномаси ва эсдалик совғалари топширилди.

Шу кун талабалар ҳузурига келган эл суйган санъаткорлар Юлдуз Абдуллаева, Рушана Султонова, Мухаммадjon Шокировлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар оқшомга ўзгача файз бахш этди.

Жума оқшоми анъанавий викторина савол-жавоблари ва спорт мусобақалари билан давом этди.

Акмал ИСЛОМОВ

Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti

ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ ТОПИШ ЙЎЛЛАРИ ИЗЛАНАЯПТИ

Муस्ताқиллик ишлашга, яшашга, илм олиб, юрт ободлиги йўлида фидойилик қилишга имкон берди. Жумладан, бизнинг Косон туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш маркази 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, унда 9—10-синф ўқувчиларига дурадгорлик, ўймакорлик, тикувчилик, токарлик, тўқувчилик касблари ўргатилмоқда. Эътиборлиси шундаки, ўқувчиларга О.Султонов, Н.Халилова, И.Бобоқулова, Н.Раҳимова сингари ўз касбининг моҳир усталари сабоқ беришяпти. Бугунги кунда ўқувчилар парта, стол, стул каби жиҳозлар ясаб, бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар томонидан тайёрланган буюмлар, кийим-кечаклар турли кўрик-танловларда, кўргазмаларда намойиш этилиб, совринли ўринларга сазовор бўлди. Ҳозирда ўқувчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар аҳолига сотилаяпти. Тушган даромад эса хом ашё, дастгоҳлар сотиб олишда ҳамда ўқувчилар ва тўғарак раҳбарларини рағбатлантиришга сарфланяпти. Шунингдек, марказ усталари таълим муассасаларининг иситиш тизимини таъмирлаб бермоқдалар.

Марказда шу кунгача 4 мингдан зиёд йигит-қизлар касб ўрганиб чиқдилар. Муҳими, уларнинг аксарият қисми эгаллаган касблари бўйича турли корхоналарда ҳамда якка тартибда фаолият юритмоқдалар.

Худойберди ҚОДИРОВ,
Қашқадарё вилояти Косон ХТБга қарашли мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш маркази раҳбари

Андижон вилоятида “Таълим муассасаларида сармоядан ташқари маблағ топиш ва ундан самарали фойдаланиш” мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

Республика миқёсидаги мазкур семинарнинг айна шу мавзуда ва ўтказиш жойининг эса Андижон вилоятида белгиланиши ҳам бежиз эмас, албатта. Маълумки, Андижон азал-азалдан тадбиркор уста, хунармандлар юрти. Шу боис бўлса керак, бугун ҳам у ердаги мактаблар, боғча ва бошқа таълим масканларида турли маиший хизмат кўрсатиш тўғрақлари ташкил этилган бўлиб, улардан тушган қўшимча маблағ илм даргоҳларининг иқтисодий аҳолини яхшилашга сарфланмоқда.

Мисолларга мурожаат қилайлик. 1999 йилда вилоят халқ таълими тизимида бюджетдан ташқари 6 миллион сўм маблағ топилган. Бу кўрсаткич 2000 йилда 320 миллион сўмни ташкил этган. Бу таълим муассасаларида чилангарлик, тикувчилик, пойафзал ишлаб чиқариш, мебель таъмирлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш каби хизмат турларини ривожлантириш эвазига қўлга киритилган натижалардир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоятнинг таълим соҳаси ривожланишида ҳомий ташкилотлар, хусусий тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. 2000 йил давомида 266 миллион сўмлик маблағ ви-

лоятда худди ана шу ҳомийлар ёрдами билан топилган.

Булоқбоши туманидан тадбиркор Абдужалил Шарипов, Андижон туманидан тадбиркор Ҳабибулла Махсумов, Шахрихон туманидан тадбиркорлар Комилжон Отахонов ва Исмоилжон Жўраевлар ўз маблағлари ҳисобига мактаб қуриб бердилар.



Шунингдек, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашда ҳам ҳомийлик ёрдамларидан кенг фойдаланилаяпти. Ўтган ўқув йилида 18 миллион 400 минг сўмлик 38426 нусхадаги дарсликлар ҳомийлар ёрдами билан таълим муассасаларига етказилди.

Бундан ташқари вилоятдаги Бўз, Балиқчи, Шахрихон, Қўрғонтепа ва Марҳамат туманлари ҳокимликлари ҳам таълим масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда масканларнинг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш юзасидан олиб бораётган ибратли ишларига амалий кўмак бериб келмоқдалар.

Вилоятда амалга оширилган

ишларни республика семинари иштирокчилари ҳам кузатишиб, сармоядан ташқари маблағ ишлаб, ундан жамоа манфаатлари ва муассаса эҳтиёжлари йўлида фойдаланаётган энг яхши мактаб ва боғчаларда, тарбия масканларида бўлдилар ва унга юқори баҳо бердилар.

Семинарнинг иккинчи кун иштирокчилар вилоят маорифчилари томонидан тайёрланган савдо кўргазмаси билан танишдилар. Кўргазмага қўйилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ўқувчилар томонидан яратилган ўқув қуроллари, ўйинчоқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг семинарнинг ялпи мажлиси ўтказилиб, унда вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Т.Мирзаев, республика Халқ таълими вазирлиги молия ва ривожлантириш бош қармаси бошлиғи Ш.Фулмонов, республика Халқ таълими вазирлиги таълим жараёнини таъминлаш бошқармаси бошлиғи З.Холматов, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси маркетинг бўлими бошлиғи М.Юсупов, Андижон вилояти Бўз тумани халқ таълими бўлими мудири Х.Акбаровлар сўзга чиқиб, таълим жараёнида сармоядан ташқари маблағ топишнинг аҳамияти ва мазкур маблағлардан самарали фойдаланиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

О.СИДДИҚОВ,
Х.ДАМИНОВ

АСОСАН МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бош вазир ўринбосари ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги ютуқларимизни эътироф этар экан, бу бўғинда ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар мавжудлигини, тизимни ўқитувчи кадрлар билан тўла таъминлаш масаласи долзарб вазифалардан эканлигини айтди. Оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилиб, академик лицей, касб-хунар коллежларини кенг ёритган ҳолда, мактабгача таълим, ўрта мактаб, олий таълимга кам эътибор берилганлигини таъкидлади.

Олий ўқув юртлирида ўз ўстида ишламайдиган, янгиликларга бефарк, лоқайд домлар борлиги, уларнинг бу ҳаракатсизликлари тизимдаги ислохотларга тўғанок бўлаётгани, бу масалани бартараф этиш, керак бўлса, уларни ишдан бўшатиб, ўрнига келажакка интилувчан ёшларни жалб этиш лозимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Мунозарада сўзга чиққан Тошкент шаҳридаги 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Фаниева, Жиззах шаҳридаги 15-болалар боғчаси мудираси Татьяна Осипова, Тошкент Давлат юридик



институтини қошидаги академик лицей ўқитувчиси Дилором Пўлатова, Самарқанд Давлат университети доценти Исмоил Исроилловлар КТМДдан келиб чиқиб, узлуксиз таълимнинг ўзлари фаолият кўрсатаётган бўғинларида юзага келган муаммоларга тўхталиб ўтдилар. Конференция иштирокчиларининг ялпи мажлиси ва шўъбалардаги фаоллиги айниқса, айрим маърузачиларнинг умумий гаплардан иборат бўлган чиқишлари давомли қарсақлар билан тўхта-

тиб қўйганлигида ҳам намоён бўлди.

Конференциянинг ишчан руҳи масъулларга берилган кўплаб саволларда ҳам ўзини намоён этди. Ўқитувчиларни қизиқтирган саволларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рискиев, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, халқ таълими вазири Рисбой Жўраевлар батафсил жавоб бердилар. Саволларнинг савиясидан келиб

чиқиб, маълум хулосалар чиқарилди ва шу ернинг ўзида Бош вазир ўринбосари конференцияда иштирок этаётган вилоят ҳокимлари ўринбосарларига топшириқлар юклади.

Шундан кейин сўз Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповга берилди.

Ҳазрат Навоий йўлдошлари билан Хирот кўчаларида кетар экан, сўз мулкнинг соҳибқирони кўчада ўйнаб юрган бир болани кўрганда отдан тушиб, у билан сўрашиб, кейин яна ўз йўлларида давом этган эканлар. Ҳамроҳлари "бу болакайга нега бунчалик эҳтиром кўрсатдингиз?" деб сўраганларида улуг бобомиз "унинг отаси мени ўқитган эди" деб жавоб берган эканлар. Бу афсона ёки ривоят эмас, ҳақиқат, бўлган воқеа, деб таъкидлади Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов. Халқимиз азалдан устозларнинг, мураббийларнинг ҳурматини жойига қўйиб келган, эъзозлаган.

Дедилар: дунёда асли ким азиз?

Айтдилар: устоздир, устоз бегумон.

Тагин айтдиларки: азиз шубҳасиз

Устозин қадрига етолган инсон.

Абдулла Орипов ушбу шеърини ўқир экан, ўқитувчилар обрўсини ошириш масаласига қайта-қайта тўхталди...

Мамлакатимиз раҳбари Исом Каримов ташаббуси ва бошчилигида яратилиб, 1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи қақариқ тўққизинчи сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш бўйича ислохотларнинг биринчи босқичи ниҳоясига етмоқда. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида бўлиб ўтаётган республика ўқитувчиларининг биринчи конференцияси амалга оширилган ишлар таҳлили бўйича келгуси вазифаларни белгилаб бериши, шубҳасиз. Конференция аввалидаёқ қайта-қайта таъкидланганидек, ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Конференциянинг биринчи иш кунини тушдан кейин давом этган шўъба йиғилишларида бу масалаларга ойдинлик киритиб олинди.

Хусан НИШОНОВ,
"Маърифат"нинг махсус муҳбири

ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

1-шўъба "Болаларни мактабга тайёрлаш ва бошланғич таълим муаммолари" номи остида Юнусобод туманидаги 70-мактабда бўлиб ўтди. Унга Республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов раислик қилди.

"Таълим тўғрисида"ги қонунда "мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оила, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади", деб таъкидланади.

Рустам Аҳлидинов шўъба ишини очар экан, бугунги кунда мактабгача таълим ва бошланғич таълим соҳасида эришилган ютуқлар ва муаммолар, камчиликлар ҳақида тўхталди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичида мактабгача таълим бўйича меъёрий ҳужжатлар, "Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талаблари", болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлашга йўналтирилган "Учинчи мингйиллик боласи" таянч дастури, улар асосида тарбиячилар ва отаналар учун услубий қўлланмалар, тавсиялар яратилди. Таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш мақсадида 8 та нодавлат таълим муассасалари ташкил этилди (57 та шундай муассаса ташкил этиш режалаштирилган). 210 та хонадон

боғчалари очилди ва бошқа типдаги мактабгача таълим муассасалари очиш жараёни бошланди. Миллий дастурга мувофиқ барча мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш ва мактаб таълимига тайёрлаш масаласи қўйилган. Шу мақсадда Давлат талаблари ва таянч дастури асосида оилада мақсадли йўналишда фарзандларига таълим-тарбия беришларига ёрдам тариқасида ота-оналарга мўлжалланган "Болангиз мактабга тайёрми?", деб номланган қўлланма ва тавсиялар тайёрланди.

Маълумки, мактабгача таълим боланинг оладиган билимларининг асоси ҳисобланади. Мана шу давр бола онгида, жисмоний ва ақлий ривожланишида ҳал қилувчи палла эканлиги барчага аён. Афсуски, бозор иқтисодиёти шароитида мактабгача таълим муассасалари сони кескин камайиб кетди. 1997 йилда 8133 та боғча фаолият кўрсатган бўлиб, улар жами боланинг 19,5 фоизини таълимга қамраб олган бўлса, 2000 йилга келиб 6742 та мактабгача таълим муассасаси 16,2 фоиз кичкинтойни мактаб таълимига тайёрламоқда. Мактаб остонасига 84 фоизга яқин бола оила муҳитидан келмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан делегатлар ўз таълим муассасаларида қилинган ва қилинаётган ибратли ишлар билан барчани таништиришди, ютуқлар манбаини изланиш ва ташаббускорлик деб айтишди.



Шўъба йиғилиши давомида делегатлар фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Маликахон ҲАКИМОВА — Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 39- "Ширинтой" номли мактабгача таълим муассасаси раҳбари:

— Мен 27 йилдан буён болалар боғчасида ишлайман. Кичкинтойлар билан ишлашнинг ўзига яраша қийинчиликлари ва завқли томонлари бор. Ҳар бир бола бир дунё. Уларнинг психологиясини ўрганиш, ҳам-

масининг характерига қараб муомала қилиш уларнинг ақлий ва жисмоний етук шахслар бўлишига катта ёрдам беради. Мен мактаб ёшидаги болаларга ўзи яшаётган ҳудуд тарихи, қадимий қадамжолари, халқнинг урф-одат ва анъаналарини ўргатиш керак, деб ҳисоблайман. Чунки ёш боланинг хотираси ҳали тиниқ, бир кўрган, эшитган нарсасини бир умрга сақлаб қоладиган бўлади. Ана шунда у чинакам ватанпарвар, юртсевар инсон бўлиб шаклланади.

Анжуманда бундан ташқари болалар боғчаларини кўргазмали расм-плакатлар, ўйинчоқлар билан тўлдириш, турли услубий тавсия ва қўлланмаларни кўплаб ишлаб чиқиш кераклиги, бошланғич таълим муаллимларини саралаб олиш, лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувидаги болалар учун мўлжалланган китобларни кўпроқ чоп этиш каби бир қатор долзарб ва муҳим бўлган тақлифлар ва мулоҳазалар, муаммолар билдирилди.

Ш. МАДРАҲИМОВА

МУНОЗАРАЛАР ҚИЗГИН КЕЧДИ

"Умумий ўрта таълимни такомиллаштириш муаммолари" бўйича 2-шўъба мажлиси республика Таълим марказининг катта мажлислар залида ўтказилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев бошқариб борди ва "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари" мавзусида батафсил фикр юритиб, йиғилганларни мушоҳадага чорлади. Вазир эришилган ютуқларни эътироф этган ҳолда таълим соҳасида учраётган муаммоларни бирма-бир таҳлил этиб берди.

Тўғри, қисқа вақт давомида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими-

ни ислох қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимиз таълими тарихида биринчи мартаба таълимнинг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ёшларимизни ўқитиш ва тарбиялашда ноанъанавий, янгича, миллий анъана ва қадриятларга асосланган услуб ва шакллар вужудга келди. Бироқ, умумтаълим мактабларидаги жараён кузатиладиган, бир қатор муаммолар ҳам борлиги аён бўлди. Аниқроғи, таълим муассасаларида ДТС талаблари 5-фоиздан ортиқ бажа-

рилмаган, холос. Республика УЎТ муассасалари ўқувчиларининг ДТС талаблари асосидаги билим, кўника ва малакалари мониторинги натижалари (2000-2001 ўқув йилида, фанлар ва синфлар кесимида) таҳлилида ўсиш кўрсаткичлари дарров кўзга ташланмайди. Ақсинча, математика, кимё, физика фанлари бўйича ўқувчиларнинг билим савиялари пасайиб кетаётгани, афсуски, яққол кўринади.

Вазир мисолларга мурожаат қилар экан, "Аҳволни ўнгласа бўладими?", "Бу каби салбий ҳолатлар-

нинг асосий, туб сабаблари қаерда?", "Педкенашларда нималар, қайси масалалар муҳокама қилинади?" каби саволларни ўртага ташлади ва жараённи тўла таҳлил қилди.

Сирасини айтганда, таълим-тарбия самарадорлигини мунтазам таҳлил этиб бориш таълим муассасалари фаолиятида сушт жорий этилмоқда. Ёш ўқитувчиларни ишга қабул қилиш масалаларига юзаки қаралапти. Муаллимлар орасида "Сен менга тегма, мен сенга" қабилидаги юз-хотирчилик ҳоллари мав-

жуд. Педкенашларда ўқитувчилар бир-бирларига аччиқ гапирмайдилар, "Нега, дарсинг самараси кўринмайди?" дейишдан ўзларини олиб қочадилар.

Утган ўқув йилида жараённи пухта ўрганиш мақсадида Самарқанд вилоятига ташриф буюрилди. Айрим мактабларда физика, биология фанлари ўқитувчиларининг физикага оид баъзи қонунларни билмасликлари, дарахт билан бутани фарқлай олмасликлари, чизмачилик фани муаллими эса оддий элемент нарсаларни чизиш кўрсата олмагани, бизда жиддий хавотир уйғотди.

(Давоми 4-бетда)

МУНОЗАРЛАР ҚИЗГИН КЕЧДИ

(Давоми. Боши 3-бетда)

Ўзини Сурхондарё вилоятидаги таълим жараёни ҳам кишида яхши таассурот қолдирмайди. Буни биргина таълим муассасаси мисолида изоҳлаб бериш мумкин. Яъни, бир мактаб ўрганилди. Лаборант хонаси текширилганда, физика фанига оид амалий машғулотларни ўтказиш учун барча зарурий жиҳозлар, асбоб-ускуналар бор экан. Лекин уларни чанг босиб ётибди. Хуллас, эндиликда таълимга ўзибўларчилик муносабатини бутунлай ўзгартириш керак...

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири эътироф этганидек, халқ таълими тизимининг бошланғич таълим бўғинида 102 минг нафар ўқитувчи ишлайди. Уларнинг 60 минг нафари педагогика билим юртлирини тугаллаганлар. Келажда улар учун педагогика институтларида уч йиллик курсларни очиб зарур. Акс ҳолда пойдевор саналмиш бошланғич таълимдаги оқшлар давом этаверадилар.

Шунингдек, ўқитувчилар аттестацияси 5 йилда бир марта ўтказилиши шарт. Ундан олдин эса ўқитувчилар ВЎМОИларда синовлардан ўтишлари зарур бўлади.

Умуман, мазкур шўба йиғилишида таълимдаги мавжуд муаммолар шу каби усул ва йўللار ҳамда ишчанлик руҳи билан ечилиб боришига ишонч билдирилди.

Умумий ўрта таълимни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинган ушбу шўбада навоийлик Х.Очилова, тошлоқлик Р.Дадажонов, юнусободлик М.Валиева, бўкалик У.Жўраев, мененжер Г.Тугеева, иқтисод дарслиги муаллифи Б.Ҳайдаров, Қашқадарё ВЎМОИ кафедра мудирини Э.Шодмонов ва бошқалар ҳам сўзга чиқишди. Улар ўқувчилар нутқини ўстириш, ўқитувчилик касбини танлайдиганларга педагогик-психологик тестларни жорий қилиш, янги авлод дарсликлари яратиш тизимини атрофлича шакллантириш, лаборатория асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарадиган корхона қуриш, ўғил-қизларни мустақил фикрлашга ўргатиш, ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимини Сирдарё вилояти маорифчилари қўллаётган вариант асосида такомиллаштириш, жараёнга китоб ва дарсликлар харид қилишнинг ижара тизимини киритиш, Олий таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда битирувчи курс талабаларига ДТС моҳиятини тушунтириб

берадиган махсус курслар ташкил этиш каби муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида таҳлилий фикрлар билдирилди.

Шунингдек, мазкур шўбада эркак ўқитувчиларни мактабларга жалб этиш қийин кечаётгани, "Синфдош", "Ғунча" журналлари жойларга етиб бормаётгани, айрим наشرларда бўғин кўчиришга эгибор берилмаётгани, баъзи ҳудудларда гиёҳвандлик балосининг ўғил-қизларга таъсир этмасдан қолмаётгани тўғрисидаги масалалар кўтарилиб, таҳлилга тортилди. Биз мунозараларни кузатиб, устозларимизнинг кечаётган жараёнга берадиган эмасликларидан қувондик. Уларнинг ҳар бир муаммога муносабат билдиришларидан, жон куйдиришларидан билдикки, барибир, ўқитувчиларимиз ўз касбининг фидойиси бўлиш билан бирга ўзгаришлар жараёнининг машалдорлари ҳамдирлар. Муҳими, шўбада бу каби хусусиятларга бот-бот урғу бериб турилди.

Шўба иши якунида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой Жўраев иштирокчиларнинг кўплаб саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ



ВАЗИФА МАСЪУЛИЯТИНИ АНГЛАЙЛИК

"Миллий истиқлол ғоясини ўқувчи-ёшлар қалбига сингдириш муаммолари" бўйича 3-шўба йиғилиши Халқ таълими вазирлигининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Уни Халқ таълими вазирининг ўринбосари Усмонали Мусаев бошқарди. Мажлис баҳс-мунозара тарзида ўтиб, 50 дан ортик ёзма ва оғзаки таклифлар билдирилди.

Маълумки, "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани бўйича 14 та ўзбек, 6 та бошқа тилларда ўқитиладиган мактабларда тажриба-синов ўтказилмоқда. Эндиги вазифа "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" дарсларини шу дарс-ни ўтишга лойиқ, муносиб ўқитувчиларга топшириш. Шу мақсадда шўба иштирокчилари қуйидаги таклифларни баён этдилар:

1. "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Одобнома", "Ватан туйғуси" дарсларини ўтиш тарих, ҳуқуқ, она тили ва адабиёти ўқитувчиларига юкланиши лозим.

2. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишга жиддий эътибор бериш керак.

3. Педагогика ўқув юртлирида ушбу фанлар бўйича қўшимча мутахассисликка ўқитишни йўлга қўйиш зарур бўлади.


4. Ушбу фанга оид изоҳли лугат тузиб, чоп этиш керак.

Йиғилиш иштирокчилари, шунингдек, мактабдан ташқари таълим-тарбия ишларига эътиборни қучайтириш, бунга оид тавсиялар, қўлланмалар чиқариш, тўғарақлар, кутубхоналар фаолиятини янада кенгайтириш ва қучайтириш юзасидан чоратадбирлар белгилаш таклифларини ҳам киритишди.

Миллий истиқлол ғоясидан дарс ўтиш ўқитувчидан ўзгача масъулиятни талаб этади. Ўқитувчи танлашда адашиш мумкин эмас. Энг муносибига ушбу фанни ўқитиш топширилмаса, дарс сифати, самарадорлиги паст даражада бўлиши ёки келажакда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу шўба йиғилишида қайта-қайта таъкидланди.

Шўба йиғилишида Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти раиси Қ.Назаров қатнашди.

Мухбиримиз



ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА УРҒУ БЕРИЛДИ

Анжуман дастуридан ўрин олган шўба йиғилишларидан бири ЎМКХТ Маркази мажлислар залида бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур Марказ раҳбари Жуманазар Хусанов йиғилишни очар экан, мана шундай катта анжуманларда соҳа ходимлари ўзларини ўйлантираётган масалаларни ўртага ташлаб, ҳамкасблари билан бирга муҳокама қилиши, бунда мутахассис олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам ўрганиб чиқиши келгусида уларнинг олдида турган долзарб вазифаларни ечишида ҳар томонлама қўл келиши аниқ, дея таъкидлади. Шунинг учун ҳам мазкур йиғилишда кўпроқ муаммоларга, камчиликлару долзарб масалаларга урғу бериш кераклигига яна бир бор урғу берилди.

Мамлакатимиз таълим тизимининг ўрта бўғинида амалга оширилаётган ислохотлар Андижон вилоятида ҳам ўз аксини топмоқда. Айни пайтда ушбу вилоятда таълим мазмунини такомиллаштириш борасида муайян ишлар қилинаётганлигини таъкидлар экан, вилоят ЎМКХТ бошқармаси бошлиғи Мухитдин Назаров ҳудудда мавжуд бўлган қатор муаммолар хусусида ҳам гапирди. Хўсусан, вилоятда янги

ташкил этилаётган илм масканлари учун психология, педагогика, умуман ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ўқитувчиларнинг етишмаётганлиги, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежларида мавжуд бўлган агротажминот масалаларини ҳал қилишда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорлик ўрнатишдаги муаммолар, айрим илм масканларида раҳбар кадрларни тайинлашда дуч келинаётган қийинчиликлар ҳалиям учраб турибди. Йиғилишда таълимни дуаль тизимида ташкил қилиш масаласи кўрилиб, бу борада ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларни кенгайтириш зарурлиги ҳақида ҳам келишиб олинди.

Бухоро иқтисодиёт ва банк касб-хунар коллежи директорининг муовини Саодат Ражабова таълимда назария ва амалиётнинг уйғунлашуви хусусида сўз юритди. Бу борада коллеж жамоаси ўзбек-немис лойиҳасида иштирок этиш баробарида муайян тажрибалар тўплаган. Шу ўринда ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт марказларини ташкил қилиш самарали

натижалар бериши таъкидланди.

Ана шу мавзунини Самарқанд молия-иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқитувчиси Олтиной Ашурова давом эттириб, талаба-ёшларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўтказишдаги зиддиятлар, хусусан, "Самкўчавто" корхонаси, банк ва солиқ тизимларидаги ташкилотларда талабаларнинг амалиётига анча суист муносабатда бўлиши ҳолларининг учраб туриши тўғрисида гапирди. Бухоро енгил саноат касб-хунар коллежи



ўқитувчиси Олия Абдуллаева ҳам талабаларнинг амалиёти ҳақида куйиниб гапирар экан, бу жараёнда васий ташкилотларнинг ҳам масъулиятини ошириш зарурлигига тўхтади. Шунингдек, у хорижий давлатларда малака ошириб қайтганларнинг жойларда семинарлар ташкил қилиши, шу ўринда махсус услубий қўлланмаларнинг чоп этилишининг муҳимлигини айтиб ўтди.

Мазкур йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежи

директори Жақсилиқ Матжанов, Тошкент вилояти ЎМКХТ бошқармаси бўлим мудирини Саидқарим Раҳмонбердиевлар таълимдаги тадбиркорлик, қўшимча маблағларни ишлаб топish масалаларида ўзларида тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашдилар. Самарқанд тиббиёт касб-хунар коллежи директори Яхшинояр Аллаёров, ушбу коллеж услубчиси Умар Ҳайдаровлар тиббиёт соҳасидаги касб-хунар коллежларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш хусусида таклифлар киритишди. Йиғилишда бу йил академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига ўқувчи-ёшларни қабул қилиш, бу борада ҳар бир лицей ёки коллеж педагогик жамоаси туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари қошидаги ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис марказлари билан доимий алоқа ўрнатиш зарурлиги, қишлоқ хўжалик йўналишидаги касб-хунар коллежларидаги ер майдонларидан самарали фойдаланиш хусусида ҳам атрофлича гаплашиб олинди.

Шўба йиғилиши якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Нурлан УСМОНОВ

БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР РАНГ-БАРАНГ БЎЛДИ

Конференциянинг "Узлуксиз таълимда бошқарувни такомиллаштириш муаммолари" бўйича 6-шўба йиғилиши Тошкент Давлат юридик институти мажлислар залида бўлиб ўтди. Профессор Файрат Шоумаров олиб борди. Таъкидлаш жоизки, шўба иштирокчилари йиғилишда жуда фаол иштирок этишди ва мажлис қизгин баҳс-мунозараларга бой руҳда ўтди.

Хўш, узлуксиз таълимда бошқарувни такомиллаштириш борасида бугунги кунда қандай муаммолар мавжуд ва уларнинг ечими нимада? Мунозараларда сўзга чиққанларнинг бу савол атрофида билдирган фикрлари ранг-баранг бўлди. Фақат таълимни бошқаришда раҳбар шахсининг муҳим ўрни мавжудлиги хусусидаги фикр бу ранг-ба-

рангликка умумийлик бахш этиб турди. Шубҳасиз, бошқарувда раҳбар шахси муҳим ўрин туттади. Шу боис, педагоглар "директор қандай бўлса, мактаб ҳам шундай бўлади" дея бежизга таъкидлашмайди.

Раҳбар лавозимида танлаш мезонларидаги камчиликлар, раҳбарга хос хусусиятлар, раҳбар шахси ва айрим психологик иллатлар, раҳбар ва муомала маданияти, раҳбарнинг ёшларга бўлган муносабати ва шу сингари яна кўпгина мавзулар шўба ишида атрофлича кўриб чиқилди. Бу борада юзага келаётган муаммолар ва йўл кўйилаётган камчиликларни бартараф этиш йўллари хусусида фикрлашилди. Жўяли таклифлар умумлаштирилди.

Эслатиш ўринлики, "Таълим

тўғрисида"ги қонунда "Таълим тизимини бошқариш" мавзусига махсус боб ажратилган бўлиб, бу боб ўзида бешта моддани қамраб олган. Бу, таълимда тараққиётга эришишда бошқарувнинг тўғри ва оқилона ташкил этилиши фоят муҳимлигидан далолатдир. Конференциянинг "Узлуксиз таълимда бошқарувни такомиллаштириш муаммолари" шўбасида илгор педагогларимиз томонидан билдирилган фикрлар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиб, бошқарувнинг тўғри ва оқилона ташкил этилишида асқотади, деб ўйлаймиз.

Икром БҮРИБОЕВ



ЎҚИЛМАГАН МАЪРУЗАЛАР

"Олий маълумотли кадрлар тайёрлаш муаммолари" шўбасига бириккан делегатлар диққат-эътибори яна айнан ўша масалага қаратилди: Бугунги талабага таълим беришнинг самарали йўллари қандай? Турли соҳага кадрлар тайёрлашда унинг касбий маҳоратни эгаллашдан ташқари шахс сифатидаги камолоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидахорр Фуломов йиғин бошланишида қисқа ва мазмунли нутқ сўзлаб, шўба ишига муваффақият тилади.

Шундан сўнг маърузаларга ўтилди. Аслида ҳар бир маърузага 20-25 дақиқадан лозим бўлса-да, шўба аъзолари бошқачароқ йўл тутишди. Амалга оширилган ишлар, муаммоларнинг борлиги аниқ. Демак, аниқ, лўнда таклифингизни айтинг.

Комил МУҚИМОВ — БухДУ ректори — "Комил инсонни шакллантиришда ижтимоий тарбиянинг роли":

— Биз жисмоний жиҳатдан соғломлик ҳақида кўп гапирабиз, бунинг учун ҳукумат даражасидаги қарор ва фармонлар билан кифояланиб қоламиз. Таклифим: жисмоний тарбия тўғрисидаги концепция қабул қилиниши керак. Бу соҳага кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш борасида ислоҳот олиб борилса, менимча, шундан сўнггина жисмонан соғломлик ҳақида бемалол гапириш мумкин бўлади.

Рустам ХОЛМУРОДОВ — СамДУ ректори, Олий Мажлис депутати — "Узлуксиз таълим тизимида ахборотлаштириш технологияларини қўллаш ва таълим мазмунини бойитиш муаммолари ҳақида мулоҳазалар":

— Олий таълим муассасаларининг жаҳон ахборот тармоқларига уланиши қанчалик аҳамиятга эга эканлигини биласиз. Интернет, электрон почта, факс ва бошқа коммуникация тармоқларида боғланишда ҳар бир олий ўқув юрти ўз муваффақиятини таъминлаши керак. Шундагина биз дунёга чиқамиз, таълим сиёсатидаги илмий оламдаги янгиликлардан, хабардор бўламиз.

Ҳасан ҚУДРАТИЛЛАЕВ — Тошкент вилояти Давлат педагогика институти ректори — "Олий таълимда педагогик кадрлар тайёрлаш ва унинг муаммолари":

— Кейинги йилларда институтимизга 34 миллион сўмлик компьютер технологияси келтирилди. Аммо улардан фойдаланиш жараёнида талабалар туғлиқ ўқитувчиларимиз ҳам оқсаб қолишяпти. Пединститутлар давлат ўқув режасига компьютер саводхонлиги бўйича курс киритиш лозим. Бундан

ташқари, "Умид", "Устоз" жамғармалари педагогика йўналиши бўйича хорижда таълим олишга грант ажратмаяпти.

Баҳром ҚОДИРОВ — Низомий номидаги ТДПУ ректори — "XXI асрда педагог кадрларни тайёрлаш: амалий ишлар, ютуқлар ва истиқбол режалари":

— Маълумотларга қараганда, 120 минг педагог ўрта махсус маълумотга эга. Уларга бакалаврлик даражасини бериш ҳақида ўйлаб кўришимиз керак. Педагог кадрлар тайёрлашнинг янги классификатори ишлаб чиқилди. Бунга мувофиқ, бўлғуси педагог ўз ихтисослигига қўшимча равишда иккинчисини ҳам эгаллаши керак. Аммо бу мақсадга амалдаги 4 йиллик таълим камлик қилади. XXI аср педагогини тайёрлашнинг туб негизи боғдан бошланиши керак. Ўша олий ўқув даргоҳи қошида боғча ҳам, ўрта мактаб, академик лицей, коллеж ҳам бўлишига эришиш лозим.

Нодира ЯНГИЕВА — 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ўқитувчиси — "Тиббиёт ўқув юртларида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳақида":

— Назаримда, бакалаврлик босқичидаги 1-блок фанларини кўриб чиқиш, фойдадан холи эмас. Ижтимоий-гуманитар фанларга керагидан зиёд соатлар ажратилган. "Олий малакали ҳамшира" ихтисослигига талабалар қабул қилишда эътирозларга дуч келаяпмиз. Шу боис уни "Олий маълумотли ҳамшира" деб аташ тўғривор бўларди.

Маърузачилар ўз таклиф-мулоҳазаларини айтар эканлар, бошқалар ҳам бунга муносабат билдириб туришди. Яъни биров гапириб, бошқалар тингласин, деган қоидадан фарқлироқ шўба йиғилиши баҳс-мунозарага айланиб кетди. Албатта, ҳар бир олий таълим муассасасининг ўзига хос муаммолари бор.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Қосимов шўба йиғилишини бошқариб борди. Шўба аъзолари олий таълимни такомиллаштириш хусусидаги таклиф, тавсия ва мулоҳазаларни бир овоздан маъқуллади. Табиийки, улар расмий ҳужжат сифатида анжуманнинг якуний қисмидан жой олади. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичи ижросига киришар эканмиз, мамлакатимиз олий ўқув юртлари узлуксиз таълимнинг асосий бўғини сифатидаги ўз фаолликларини тағин ҳам оширишига шубҳа йўқ.

Х.ТҲЙМАНОВА
Суратларда: анжумандан лавҳалар.

Равиль АЛЬБЕКОВ ва Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

ТАКЛИФЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИБ, ВАЗИФАГА АЙЛанаДИ

Республика ўқитувчилари биринчи конференциясининг "Туркистон" саройида бўлиб ўтган якунловчи ялпи мажлисини Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев бошлаб берди. Вазир берган маълумотга кўра икки кун давомида конференция иштирокчиларидан 87 нафар ўқитувчи сўзга чиққан. Бу устоз-мураббийларнинг айтадиган гаплари, ниятлари, тилаклари, таклифлари кўплигидан дарак беради.

Белгиланган 6 шўба вакиллари навбатма-навбат сўзга чиқиб, ҳисобот бердилар. 1-шўбадан Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 4-боғча-мактаб мажмуаси тарбиячиси Замира Насриддинова, 2-шўбадан Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 1-мактаб-лицей раҳбари Раҳматжон Дадажонов, 3-шўбадан Тошкент шаҳридаги 241-мактаб ўқитувчиси Гулчеҳра Мирзамаматова, 4-шўбадан Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбари Жуманазар Хусанов, 5-

шўбадан Гулистон Давлат университети ректори Азимжон Парпиев, 6-шўбадан Самарқанд Давлат университети педагогика факультети декани Холбой Иброҳимов шўба йиғилиши иштирокчиларининг таклифларини тақдим этдилар. Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидахорр Фуломов олий таълим тизими учун дарсликларнинг электрон вариантни қўллаш, барча дарсликларни чет эллардаги шу каби қўлланмалар билан қиёслаб баҳолаш ва мазмунан юқори босқичга кўтариш, кутубхоналарни халқаро стандартлар даражасига етказиш таклифларини киритди.

Конференция котибияти раҳбари Ҳалим Саидов барча таклифларни умумлаштириб ва такомиллаштириб "Маърифат" газетасида чоп этиш таклифини киритди. Таклиф бир овоздан маъқулланди. Шунингдек, республика ўқитувчиларининг биринчи конференцияси якунлари китобча ҳолида чоп эти-

либ, барча таълим муассасаларига етказиладиган бўлди.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этиш фақатгина ўқитувчиларнинг иши эмас. Келажакка дахлдор бу эзгу ишларни амалга оширишда барчамиз биргаликда ҳаракат қилмоғимиз лозим. Конференцияда сўзга чиққан тадбиркор Комил Отахонов юртимиздаги барча саховатпеша инсонларни мактабларга ёрдам беришга ундади. Унинг бу борадаги фаолияти таҳсинга лойиқ. Шаҳрихонлик тадбиркор болажонларга ўз ҳисобидан 320 ўринли мактаб куриб берган. Ҳозир 420 ўринли яна бир мактаб курилишига бош-қош бўлаяпти. Учта болалар боғчаси, 3 та мактабга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда.

Конференция ниҳоясига етди. Энди унинг овозаси, меҳнаткаш руҳи юртимизга тарқалиб, бутун Ўзбекистонни қамраб олади.

Хусан НИШОНОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ТАРИХИ



Республика ўқитувчилари конференцияси арафасида нашр этилган яна ушбу альбом-китоб "Истиқлол ва таълим" деб номланади. Бу янги китоб "Шарқ" НМАК босмахонасида юқори сифатда чоп этилган бўлиб, "Ma'rifat-Madadkor" нашриётида тайёрланган. Китобнинг айна мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйи ара-

фасида чиқишида ҳам рамзий маъно бор, албатта. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган йилларда давлатимиз таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Ушбу китоб мамлакатимиз таълим тизимида 10 йиллик мустақиллик даври мобайнида асрга татигулик ишлар қилинганлиги рамзий маънода аталган ўн ўқув йили бўлимларида яққол очиб берилганлиги билан ҳам қимматлидир.

Ўйлаймизки, ушбу китоб ўзбекистонлик таълим фидойиларининг юрт мустақиллигини мустаҳкамлашда амалга оширган эзгу ишлари билан таништирибгина қолмай, педагогларимизнинг келгусида бажарилиши белгиланган режаларни тузишларида ҳам муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Б.ЖОВЛИЕВ

ЖАРАЁН ТАҲЛИЛИ

Республика ўқитувчиларининг 1-конференцияси арафасида "Маърифат-Мададкор" нашриёти томонидан тайёрланиб, "Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилган Халқ таълими вазири Рисбой Жўраевнинг "Орзулар рўёби" рисоласини юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган улкан миқёсдаги ислоҳотлар жараёнининг таҳлили деб атасак, асло муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, "Орзулар рўёби" рисоласида Миллий дастурда белгиланган вазифалар ва уларнинг бажарилиши, бу соҳада шу кунгача амалга оширилган ва айна пайтда олиб борилаётган ишлар ҳақидаги ёрқин мисоллар асосида шарҳлаб берилган. Рисоланинг асосий қисмини ташкил этган "Узлуксизлик — Миллий дастур янгилиги", "Узлуксиз таълим — боғча"дан бошланади", "Дунё иморатларининг энг муқаддаси ва кадрлиси", "Миллий дастур гавҳари", "Малакали педагог кадрлар — Миллий дастурни амалга оширувчи куч", "Кадрлар малакасини оширишнинг ўрни", "Яна боланинг бўш вақти ҳақида" каби фаслларда "Таълим тўғрисида"ги қонунга биноан шакллантирилган ҳар бир таълим турлари (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта-махсус, касб-хунар таълими, олий таълим ва бошқалар)ни ривожлантириш, бу борадаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари изланган.

Ботиржон ҒОҒУРОВ

Бугунги меҳмонимиз — ўша машҳур "Тўйлар муборак" фильмидаги келин — Нигора ролини чиройли ўйнаб халқимиз кўнглидан жой олган санъаткор, Ҳамза номидаги академик театр актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Зокирова. "Юлдузингни бер осмон" бадиий фильми, "Домла", "Бурч", "Шайтанат" видеофильмлар ва бошқа фильмларда роллар ижро этган актриса билан суҳбатимиз, асосан, ўтмиш, бугун ва келажак тўғрисида кечди.

Меҳмонхона



томоша танлайди.

— **Кўпчилик мухлисларимиз сизнинг улғу маърифатпарвар, матбуот ва миллий театр асосчиларидан бири, ёзувчи Абдулла Авлонийнинг авлоди эканлигингизни билмасалар керак...**

— Абдулла Авлоний оиймининг бувалари бўладилар. Ойим — Турғуной опанинг оналари Сора бувим у кишининг катта қизларидир. Эваралари бўламан. Бу ерда қизиқ тарих бор. Абдулла Авлоний қизи Сорани Туркияда ўқиб келган Ёқуб исмли

маганлар, дейдилар оийм. Ойим — невараси ва кичкина қизи Ҳакима холамлар орасида бир ёш фарқлари бор экан. Бувам бир сафар оиймга, "отасиз ўсяпти, кўнгли ўксимасин", деб янги кўйлак олиб берадилар. Шунда Ҳакима холам хархаша қилганларида, қачон худди шундай кўйлак топсам, қиясанлар, деб, ўша кўйлакни сақлаб қўйган эканлар. Роппа-роса бир йил ўтгач, худди олдингдай кўйлак топилиб, кейин иккаласига ҳам кийдирганлар.

Бувам оила тарбиясида спортга ҳам алоҳида эътибор билан қараганлар. Ҳовлисида кўплаб спорт анжомлари бўлиб, ҳар ким ўзига, ёшига мос анжомдан фойдаланар экан.

Ойимнинг айтишларича, Абдулла Авлоний кўп бор "бутун дунё аҳли илм билан машғул пайтда, менинг ўзбегим чойхонада ош ейиш билан овора" деган гапни айтиб, ўксинарканлар.

Бувам фарзандларининг ҳаммаси ўқимишли бўлишини истаганлар. Ва бу амалга ошганки, Ҳакима холам (Авлонина) кўп йиллар давомида

баъзи воқеалар унинг кўнглига ўтиришмаганини айтди. Санъатшунослиги учунми, билмадим.

Кинодаги фаолиятим... Гоҳи-гоҳида ўзимга-ўзим "мен кинони яхши кўраман, аммо кино мени яхши кўрмайди" деб қўяман. Ўша фильмдан кейин "Юлдузингни бер, осмон" фильмида, "Домла", "Бурч" ва бошқа қатор видеофильмларда роль ижро этганман.

— **Ойлангиз санъаткорлар оиласи. Ўғлингиз Жавоҳир ҳам "Воиз" фильмида роль ижро этди. Санъаткорларнинг камгина вақти уйда ўтади, дейишади. Вақтнинг оз қисмини уйда ўтиши оила тарбиясида имкониятларни қайсидир маънода чекламайдими?**

— Ўзингиз савол бериб, ўзингиз жавоб беряпсиз-ку. Албатта, чеклайди. Бусиз илож йўқ. Чунки, санъаткор доимо халқ хизматида. Баъзан болаларимизни ҳам гастролларга бирга олиб кетардик. Бир сафар Жавоҳирни бувисига ташлаб, Оҳистани Қаршига бирга олиб кетганман. Бир кунда икки мартадан "Келинлар кўзғолони"ни кўярдик, айни ёз кунларида. Бошқа артистларнинг болалари билан бирга биринчи қаторга қизимни ўтқизиб қўйганман. 4-5 ёшли бола нимани ҳам тушунарди. Тикилиб ўтирарди фақат.

Уйга келгач, биз театрга кетаётсак, "яна кетаяпсизларми, бугун қанақа театр бор (спектаклни "театр" дерди)" деб сўрарди йиғламсираб. "Мен катта бўлсам болаларим ўзим билан доим бирга бўлади" деб кўшиб кўярди.

Ҳозир ўзи санъатшунос.

— **Устозларингиз ҳақида...**

— Саҳнада бир киши устоз бўлолмайди. Саҳнада ҳамма бир-биридан ниманидир ўрганади. Бу кўпроқ актёрнинг ўзига боғлиқ. Масалан, "Олтин девор" комедияси ҳамма вилоят театрларида ўйналди. Лекин, Фани Аъзамов ўйнаган спектакл ҳалигача ҳаммасидан машҳур. Нимага? Бу ҳам актёрнинг маҳоратидан. Комедиянинг муаллифи Эркин Воҳидов томошани кўргач, "менинг ёзганим бошқача эди-ю" деган экан. Бунга сабаб, ҳар қандай ёзувчи воқеани тасвирлаётганда "шундай-шундай бўлди" қабилида ёзса, актёр уни ҳаракатда кўрсатиб беради, кўшимча ҳаракатлар киритади.

Олим Хўжаев, Сора Эшон-тўраева, Наби Раҳимов, Фани Аъзамовлардан кейинги авлод — биз жуда кўп нарсани ўргандик. Бошқа ҳамма бирга ўйнаган артистларимиз ҳам бизга устоздир.

— **"Маърифат" муштарийларига тилакларингиз.**

— Ўқитувчилик — бамисоли артистликдир. Асосий мухлислари ўқитувчилар бўлган "Маърифат" муштарийларига куч-қувват, соғлиқ, сабр-тоқат тилайман. Билим беришдек савобли ишда ҳечам толиқмасинлар.

— **Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!**

Шерали НИШОНОВ
суҳбатлашди

— **Гавҳар опа, ҳаётда ҳар бир воқеани илк бор қутиб олиш инсон учун ҳаяжонли ва қадрли бўлади. Демокриманки, сиз илк бора мактабга қадам қўйганингизда, талаба сифатида биринчи сабоқни тинглаганингизда, дастлабки ролингизни ижро этганингизда, албатта, қандайдир ўй-хаёллар огушида бўлгандирсиз?**

— Албатта. Мен 1956-1966 йилларда пойтахтимиздаги 137-мактабда ўқиганман. Адабиёт фанига қизиқардим. Биласиз адабиётга қизиққанларга математика ёқмайди. Мен ҳам шундай эдим. Адабиёт ўқитувчиси Анна Умарова деган аёл эди. У кишининг дарс ўтишлари мени тобора адабиётга ошно қиларди. Биласизми, кўплаб ўқувчилар муаллим ўқиган деган адабиётларни ўқимайдиган бўлишади. Лекин мен ўқитувчим айтган нарсани ўқирдим. Асосан улар классик адабиётлар эди.

Бир марта қизиқ воқеа бўлган. Айтдим-ку, математика ёқмасди, деб. Эртага контрол иш деган куни, мен уйда, қиш фасли бўлганлиги учун, деразани анча вақт очиб қўйиб ўтирганман. Ниятим — шамоллаб қолиб, эртага мактабга бормаслик бўлган. Эртасига мактабга барибир борганману ҳозир эсласам, кулгим кистайди.

8-синфда "санъаткор бўламан" деб ният қилганман. Лекин бу ниятимни ота-онам билишмасди. Қизиққанам боис Санъат институтига борганман. Ўша вақт Ҳожиакбар Нурматов, Гулҳебра Жамиловлар талаба эдилар.

Мактабни битиргач эса, негадир, барибир, санъаткор бўлиш ҳақидаги ниятимни ота-онамга айтмаганман. Ва шу йилги политика институтининг геология факультети талабаси бўлдим. Математика, ҳар хил чизмалар... менга ёқмасди. Қишқи сессияда битта имтиҳон топширгач, институтга бормамай қўйдим. Бормамай қўйганлигим сабаби бўлган асл ниятимни оиймга айтганман ўшанда. Қўшилишиб йиғлаганмиз ҳам. Шундан кейин бекор юрмайин деб, тўқимачилик фабрикасида ярим йил ишлаганман. Биринчи сменда ишлаганим учун ишдан сўнг Темирийўлчилар клубидаги санъат тўғарагага қатнашардим. Арутюнова фамилия аёл рақс ўргатарди. Шунингдек, монолог, шеър, масалларни ифодали ўқишни машқ қилардим. Ўша пайтларда Санъат институтига

қирмоқчи бўлган аксарият қизлар "Бой ила хизматчи"даги Жамила монологини айтиб беришарди. Мен эса Гулбаҳор монологини айтганман. Ўша пайтда Ёдгор ака Саъдиев ҳам тайёргарлик кўраётган эди. У киши мени акаси Хайрулла Саъдиевнинг хотини, раҳматли Раъно опага консультация олишга олиб борганлар. Хуллас, 1967 йили ўзим севган соҳага ўқишга кирдим.

Катта саҳнадаги биринчи ролим Уйғуннинг "Парвоз" пьесасидаги Санам образи бўлган. Ҳамза театрининг ўша пайтдаги бош режиссёри

Гавҳар ЗОКИРОВА:

БУВАМ ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ҲАММАСИ ЎҚИМИШЛИ БЎЛИШНИ ИСТАГАНЛАР

Александр Гинзбург асосий ролни менга ишониб топширган. Дублёрим Римма Аҳмедова бўлган спектаклда атоқли санъаткорлар Наби Раҳимов, Обид Юнусов, Ёқуб Аҳмедов, Амин Турдиев, Сора Эшон-тўраевалар билан бирга рол ўйнаганмиз. Асарда Санамнинг йиғлайдиган жойи бор эди. Биринчи репетицияда шунақа йиғладимки, кейингисида қани энди, йиғлай олсам. Ўксиниб турганимда Александр Осипович "ўксинма, сен қаҳрамон руҳиятини шундай ҳис қилгинки, натижада ўзинг кутган ҳолат юзага келади", дея далда берганлар. Шундай қилиб, биринчи ролим муваффақиятли чиққан. Бу, албатта, ўзимнинг эмас, санъаткорлар ва томошабинларнинг баҳоси эди.

— **Кейинги вақтларда томошабинлар жиддий мавзудаги спектаклларга камроқ тушаётгандай, назаримда. Тўғри, комик асарда ҳам қандайдир муаммо кўтарилди, лекин...**

— Биласизми, бу ҳолат, қайсидир маънода давр билан боғлиқдай, менимча. Яна шуни айтиш жоизки, томошабин савияси пастроқ бўлса, асар савияси шунга яраша бўлади. Ёки, аксинча. Бугунги кун кишиси ишдан ҳориб келгач, албатта, дам олишни хоҳлайди ва қулишни, комик асарни томоша қилишни истайди. Лекин ҳамма ҳам эмас. Қисқаси, ҳар ким ўзига яраша томошани топа олади, танлайди. Яна ҳам очироқ айтилган бўлсам, томошабин ўзининг ҳаётдан келиб чиқиб,

йигитга (менинг бувам) турмушга беради. 1923 йилда чет элларда ўқиб келган маҳаллий йигитларни "қама-қама" қила бошлайдилар. Иложсиз қолган Ёқуб ака бир куни кечаси қайнотаси — катта бувам Абдулла Авлонийнинг олдига келиб маслаҳат сўрайди. Ва Туркия чегарасига ўтиб кетиши маъқул кўрилади. Сора бувим билан икки ёшли оийм эса катта бувам қарамоғида қоладилар. Ёқуб аканинг отаси Файзулла бобо деган кишини эса партия органлари ходимлари ўғлини топиб беришини сўраб, анча вақтгача қийнайдилар. Ёқуб ака эса 1949 йилгача Ватанига хат-хабар қилиб туради. Лекин бу ердагилар замон нозиклиги боис хатларни ололмаганлар, 1949 йилда Сора бувим вафот этгач, умиди узилган бувам Туркияда иккинчи бор уйланадилар. У кишининг Олтой исмли ўғли ҳам бор. Ёқуб бувам 1965 йилда вафот этганлар.

Мустақилликка эришганимиздан кейин Зикир ака Муҳаммаджонов Туркияга борадиган бўлганларида, биз қариндошларимизнинг манзилани айтиб юбордик. У киши уларни топиб саломларимизни етказдилар.

— **Абдулла Авлонийнинг маърифат йўлидаги хизматлари беқиёс. У кишининг оила тарбиясида қандай йўл тутганликлари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Ҳеч қачон қаттиқ гапир-

Низомий номли олийгоҳда ишлаган. Ҳозирги кунда бувамнинг номидаги РХТХМО-МИ қошида очилган Абдулла Авлоний музейида ишлайди.

Абдулла Авлонийнинг кенжа ўғли Кенжа тоғам ҳам Техника университетига кўп йиллар ишладилар. (Худо раҳмат қилсин, ўтган йили вафот этди).

— **Энди яна санъат билан боғлиқ савол. "Тўйлар муборак" фильмида Нигора ролини ўйнаганингизда анча ёш бўлгансиз. Бугун тажриба нигоҳи билан қараганингизда шу ролингизни қандай баҳолаган бўлардингиз? Умуман, кинодаги фаолиятингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Бу фильм 1977 йили суратга олинган. Фильмда дорихонадаги воқеа бор. Ўшандаги савол-жавоб жараёни биринчи бор мени синаб кўриш учун олинган эди. Лекин фильмни суратга олган Эдуард Хачатуров яхши чиққан, дея ўша сьемкани фильмга киритган.

Киночилар уйда фильм премьераси бўлишида бутун оила аъзоларим билан бориб, томоша қилганмиз. Ўшанда фильм воқеалари самимий чиққанлигини оила аъзоларимга айтганман ва халқ ҳам уни яхши қутиб олган. Ва ўша самимийлиги билан картина яшаб келмоқда, деб ўйлайман. Халқимиз ҳалигача уни қизиқиш билан кўради. Ўзим ҳам. Лекин, негадир, қизим Оҳистахон бу фильмни кўрса, қандайдир сиқилганлигини,

O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 10 yilligi oldidan

Биз кундалик ҳаётда алоқа тармоқларига кўп бора мурожаат қиламиз: телефон, почта ва телеграф хизмати. Узоғимизни яқин қилишда алоқа воситаларининг тезкорлиги, ҳожатбарорлигига барчамиз тан берамиз.

Ана шу соҳани кадрлар билан таъминлаб келаётган Тошкент электротехника алоқа институтининг мустақиллик йилларидаги кадрқиммати янада ошди. Ҳар йили юзлаб кадрлар бу институт дипломи билан алоқа тармоқларида ўз фаолиятларини бошлашмоқда.

Саҳифамизни ана шу даргоҳ ҳаётидан тайёрладик.

E'zoz

“КОСКОМ” СТИПЕНДИЯСИ

Талабалар тоифага ажратилганда уларнинг рейтинг кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Институт фаол, билимдон, зукко талабаларни бир қанча нуфузли стипендияларга тавсия этиб, уларни ойма-ой тақдирлаб боради. Жумладан, институт ректори, ЎзПВИТА, электроника ва радиотехника илмий жамияти, Республика алоқачилари касаба уюшмасининг шахсий стипендиялари таъсис этилган.

“Коском” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси томонидан таъсис этилган стипендияга институт битирувчи-талабаси Г.Гусельникова лойиҳа деб топилган. Унинг бу ҳақдаги эътирофи шундай:

—Талаба билим олишга ўзининг бир неча йиллик умрини бағишлайди. Аммо ана шу имкониятга барча талабалар ҳам ўзларини тўлиқ бахшида этишмагани мени баъзан ташвишга солади. Ахир бу йиллар орқага қайтмайди.

“Коском” қўшма корхонаси томонидан институт талабаларига жорий этилган стипендия ҳозирча бир кишига, яъни менга насиб этди. Ва бу менинг кўнглимни тоғ қадар юксалтирди.

О.НУРИДИНОВ

Институтнинг биринчи курсига қабул қилинган талаба бу ердаги таълим тизимига аста-секинлик билан мослашади. Бу барча олий ўқув юртлирига хос ҳолатдир. Айниқса, техника соҳасига кадрлар тайёрлаб берувчи институтимизда талабаларга қабул қилинган ёшларни етук мутахассис даражасига етказиш учун имкониятлар етарли деб ўйлайман.

Биз барча соҳадаги ютуқларнинг қўлга киритилиши-

вожлантириш учун ҳуқуқий, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш зарур. Шу асосда тузилган режаларда институт фаолиятининг барча томонлари қамраб олинган эди.

Кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойига қўйиш масаласида бирмунча ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мутахассислик кафедраларида ўқитувчилар асосан институт битирувчилари ҳисобидан тўлдирилмоқда.

Rektor minbari

ри асосида маъруза матнларининг тайёр ҳолга келтирилиши, айрим кафедраларга, йўлдошли алоқа тизимлари, шунингдек уяли алоқа воситаларининг ўрнатилиши, “Шанхай-Белл” фирмасининг электрон коммутация тизимлари олиб келиниши таълим тизимини янгилашда ўзига хос роль ўйнамоқда. Шунингдек, ўтган йили институт ку-

аҳамиятга эга. Айрим кафедралар Тошкент шаҳридаги, шунингдек, республика, вилоят электр алоқа корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича шартномалар тузишган. Тошкент телемаркази, Тошкент телефон-телеграф станциясида, Тошкент шаҳар телефон тармоқларида институт кафедраларининг фи-

ЯНГИЛАНИШ ВА ИЗЛАНИШ БОСҚИЧИДА



ни мустақиллик шарофатидан деб биламиз. Аслида ҳам шундай. Жумладан, институтимизда алоқа тармоқлари учун бугунги кун талабаларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Мудофаа вазирлиги қарорлари асосида ҳарбий алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган **махсус факультет** ташкил қилинди. Телекоммуникациялар соҳасининг жадал ривожланиши ҳисобга олиниб, Европа Иттифоқи Комиссиясининг “TACIS” дастури бўйича институт қошида **Марказий Осиё телекоммуникациялар ўқув маркази** очилди.

Ўз фаолиятини битта факультет ва учта кафедра билан бошлаган институтнинг мустақиллик йилларида тайёрлаган кадрлари 20 мингдан ошиб кетди. Таълимнинг бакалаврлик йўналиши 6 та, магистратура эса 8 та қилиб белгиланганди. Ҳозирда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг илк босқичи—1997-2001 йилларни таҳлил қилиб чиқмоқдамиз. Дастурда белгиланган эдики, мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш негизда ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ри-

Бу йил ҳам магистрликни тамомлаб чиқаётган 75 нафар ёшлардан бир қисмини ўқитувчиликка олиб қолиш мўлжалланаяпти.

Кадрлар малакасини ошириш борасида институт ўз ҳамкорларига эга. Олий инженерлик педагогика, олий педагогика институтлари, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Марказий Осиё телекоммуникациялар ўқув маркази, МДХ давлатларининг етакчи университетлари ва хорижий мамлакатлар таълим муассасалари институтимизга ёрдам бериб келмоқдалар. 50 дан зиёд профессор-ўқитувчилар Тошкент шаҳридаги алоқа корхоналарида, 100га яқини Белгия, Греция, Ҳиндистон давлатларида, 15 дан ортиқ кафедра мудирлари МДХ давлатларининг турдош олий ўқув юртлирида малака ошириб қайтдилар.

Албатта, таълим жараёнини ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш бўйича давлат таълим стандартларининг намунавий ўқув режалари ва дастурларининг жорий этилиши, ўқитиладиган 92 та фандан янги ўқув дастурла-

тубхона фондига 6 миллион сўмлик ўқув ва бадий адабиётлар сотиб олинди.

Талабаларга билим беришда улардаги иқтидор алоҳида ҳисобга олинади. Ўқишда аъло ва яхши кўрсаткичларга эга талабалар 3-4 курсларда алоҳида гуруҳларга ажратилиб ўқитилмоқда. Ҳар бир талаба ўз раҳбарига эга ва илмий иш билан банд. Шуниси диққатга сазоворки, иқтидорли талабалар республика ва халқаро миқёсдаги анжуман, олимпиада ҳамда мусобақалар иштирокчиси сифатида фахрли ўринларни эгаллашди. Жумладан, математика, информатика фанларидан Республика олимпиадасида талабалар командаси 1-ўринни эгаллашди.

Фанлар бўйича республика ОўЮ олимпиадасида 24 нафар талаба қатнашди. Москва алоқа ва информатика техника университетида МДХ давлатлари ОўЮнинг диплом лойиҳалари танловига ҳар йили камида 5 тадан иш тақдим этиляпти ва улар фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

Ўқув жараёнини ишлаб чиқариш билан мувофиқлаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар катта

лиаллари очилган. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида бир неча кафедраларнинг филиалларини очиш учун ташкилий ишлар бошланган. “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Почта хизмати тўғрисида”, “Радиочастоталар тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниши муносабати билан тегишли муассасалар етакчи мутахассислари 140 соатлик маъруза ва семинарлар ўтказишди.

Бугунги кунда алоқа соҳаси бўйича республикамиз ҳам дунё даражасига тенглашмоқда. Демак, алоқа корхоналаридаги муҳитга тезлик билан мослашадиган, жараённи пухта ўзлаштирадиган кадрларни тайёрлаш институтимиз профессор-ўқитувчиларидан сабот, изланиш талаб қилади. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ.

Содиқжон ҚОСИМОВ,
Тошкент электротехника алоқа институти ректори, техника фанлари доктори, профессор

Yoz—o'tsin soz

Институтимизда ижтимоий ҳимоянинг турлича усуллари йўлга қўйилган. Мукофот, моддий ёрдам, солиқликни тиклаш билан боғлиқ ғамхўрликлар шулар сирага киради.

Ёз мавсумида кўпчилик, хусусан, ўқитувчилар, талабалар ҳориб, таътилга чиқишади. Бўстоннинг Хондайлик қишлоғида жойлашган инстиспорт-соғломлаштириш оромгоҳига даст-оливчилар учун йўлланмалар тарқатиб мавсумда бу ерда 80 нафар талаба-ши режалаштирилган. 8 гектарлик гоҳга “Ариэл” қўшма корхонаси су-

Бундан ташқари, профессор-публика худудидаги ва МДХ-дам олишлари мўлжаллан-нархларда берилади.

Касаба уюшма кўмиришда ҳам ўз ўрнини лик ва бошқа кас-сор-ўқитувчилар, тириб борилади. минг сўмлик

Касаба уюшмалари доимо ғамхўр ва эътиборли таш-қилиб келган. Зеро, бундан келиб чиқадиган ва-зуки, талаба ҳам, унга таълим бераётган устоз-бийлар ҳам ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлан-уларнинг ишида барака ва унум ҳам кўпроқ бўлади.

Тўлқинжон ТЕШАБОВ,
институт касаба уюшма кўмитаси раиси.

Abiturientlar diqqatiga


Тошкент электротехника алоқа институтига ўтган 2000 йилда хужжат топширган абитуриентлар ҳақидаги маълумотлар ушбу жадвалда ўз аксини топган. Алоқа ва телекоммуникация соҳасига қизиқувчи ёшлар бу йил ҳам ўз омадларини синаб кўрадилар.

Код	Таълим йўналишлари	Фанлар (балл)	Қабул режаси		Аризалар сони	Ўтиш бали	
			г	ш		г	ш
1001	Математика	Ўзбек тили (1,1) Математика (3,1) Физика (2,1)	32	23	190	77,6	68,8
1016	Иқтисодиёт	Ўзбек тили (1,1) Чет тили (2,1) Математика (3,1)	35	46	289	154,7	129,5
1041	Автоматлаштириш ва бошқарув	Ўзбек тили (1,1) Математика (3,1) Физика (2,1)	172	257	1233	108,9	82,5
1042	Касбга ўргатиш (техника йўналиши бўйича)	Ўзбек тили (1,1) Математика (3,1) Физика (2,1)	18	29	190	104,2	78,9

Тест маркази маълумотидан олинган.

МАҚСАД—ИНСОН ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲОКИМИЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ



*Мухтарам ҳамкасблар!
Республика ўқитувчилари-
нинг биринчи конференцияси
билан барганни эни самимий
муборакбод этамиз!*

*Келажаги буюк давлатнинг
таянчи бўлган баркамол*

*авлодни жисмонан бакувват, кўли пафаккур соҳиб
қилиб тарбиялашда барганни эни омад ёр бўлин!*

TECHNOINVEST

Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси

Республика ўқитувчиларининг биринчи конференцияси билан ўзбекистонлик барча устоз ва мураббийларни самимий муборакбод этамиз.

Келажаги буюк давлатнинг таянчи ва куч-қуввати бўлган баркамол авлодни тарбиялаш йўлида энг эзгу тилаklarимизни билдирамиз.

XXI аср, шубҳасиз, Ўзбекистон ёшларининг фан ва таълим соҳасида юксак чўққиларга эришиш йиллари бўлиб қолажак. Бу борада Сиз устозларнинг хизматингиз, айниқса, беқиёсдир. Бугунги конференция ҳам Ўзбекистонда фан - таълим тараққиётига кенг йўл очилаётганидан далолатдир!

Барчага омонлик тилаймиз!



Bu safar biz Gruziyaning "Merani" degan nashriyotida 1970 yilda rus tilida nashr etilgan "Chiroqqurtlar" ("Svetlyachki") kitobidan olingan she'rlarni e'tiboringizga havola qilayotirmiz. "Chiroqqurtlar" kitobi bir guruh tarjimonlar tomonidan gurji tilidan ruschaga tarjima qilingan. Kitobning muallifi esa, ajoyib tarbiyachi va shoir Ilya Sixarulidzedir. Bu ikkiyoqlama iste'dod birlashib, uning ijodiy faoliyatiga xos bosh yo'nalishni aniq qilib bergan.

Ilya Sixarulidze butun hayotini bolalarga, bolalar she'riyatiga bag'ishladi. U XX asrning 10-yillaridan boshlab she'r yoza boshlagan edi, faqat kamdan-kam, juda siyrak yozar edi. 20-30-yillarda uning ijodiy faoliyati keng maydonga chiqdi va o'zining nimalarga qodir ekanligini ko'rsatdi.



Shoir asosan kichik yoshdagi bolalar uchun ijod qilardi, ularga keng xayolot, tunganmas yumor, yorqin va boy nutq namunalarini armug'on etar — ularda oddiy va tabiiy, samimiy va shoirona tuyg'ular uyg'otardi. U yosh kitobxonlarga eng yaxshi sifatlarni singdirar — "kattalar"ning ongli hayotini ham bezaydigan zaruriy fazilatlar bilan boyitishga harakat qiladi. Kichikintoylar uning she'rlarini qiynalmay, emin-erkin yodlashardi va buning evazi o'laroq mehr-muhabbatlarini sovg'a qilganday, shoirni jon dillaridan yaxshi ko'radilar. Ilya Sixarulidze o'ziga xosligi, individualligi yaqqol aks etib turgan ajoyib shoir edi. Bu gurji shoirining butun go'zalliklarini his qilmoq uchun uning she'rlarini o'qish zarur.

Miraziz A'ZAM

Ilya SIXARULIDZE OROMGOHGA KELDIK BIZ

Biz, bir guruh o'rtoqlar,
Oromgohdamiz yana.
Qanday go'zal bu tog'lar,
Archazor o'rmon ana.

Daraxtlar chalar chapak,
Eshikda kutar ko'ppak,
Biz uchun sayrab ketdi
Bulbul, zarqaldoq, chittak.

Gullar kular. Qanday soz!
Chigirtka sakrar dik-dik.
Salom, quyosh! Salom, yoz!
Biz dam olgani keldik.

Ne-ne tog'lardan oshib,
Sakraymiz irmoqlardan.
Yangratib ayt sak qo'shiq,
Aksi qaytar tog'lardan.

O'tzorda gurpklashib,
Chopamiz o'rmonlarda.
Kulishib, chaqchaqlashib
Yotamiz xirmonlarda.

Oromgohga keldik biz,
Ah, yozimiz uzalsin!
Yuzimiz bo'lsin qirmiz,
Kiftlarimiz qizarsin!

QUYON

O'yin

Bolalar:
Uzun quloq quyoncham,
Qayoqlarga chopasan,
Aytgin-chi, bizga oshnam?

Quyón:
Aytib qo'ymang hech kimga,
Men ketyapman ekinga.
U yerdan sabzi-karam
Yeb kelaman tekinga.

Bolalar:
E, quyon, likillagan,
Yunglari hilpillagan,
Dalada bor qorovul,
Soqoli serkillagan,
Jaxldor munkillagan,
Iti bor akillagan.

Quyón:
Shu kichkina qalbimning
Sizlarga bordir arzi:
Uch kechayu uch kunduz
Yemabman-a bir sabzi.
Qornim ochib ketdi-ku!
Qornim ochib ketdi-ku!

Bolalar:
Hafa bo'lma, quyonjon,
Keltirdim sabzi-karam.
Kirib bizning davraga
Yeyaver chaqqon-ildam.

Quyón:
Rahmat sizga, bolalar —
Quyoshchalar, kunchalar.
Quyunchaning qornini
To'yg'azdingiz shunchalar.
Bu yaxshilik uchun bir
O'ynab beraman hozir.

Bolalar:
O'yna, o'yna, yumshog'im,
O'yna, shalpang qulog'im,
Oyoqlaring tapillat,
Quloqlaring shapillat!

ECHKI BILAN MUSHUK

Birovlarning ko'rkidan
Kulma aslo, bu — xunuk.
Mana bir kun echkidan
Kula boshladi mushuk:

—Soqol silkitma, quruq,
Senga qaramas birov
Baribir mo'yloving yo'q,
Menga berilgan mo'ylov,
Miyov-miyov!

Nima degan gap soqol?
Gapimni tingla birrov:
Soqolingni qirib ol,
Yugur uyingga darrov,
Miyov-miyov!

Echkiga alam qilib
Chayqadi soqolini,
Mushuk tomon qayrilib
Yog'dirdi savolini:

—Og'zingdagi tuk nima?
Mo'ylov degani shum?
Shuyam mo'ylov bo'ldimi?
Mo'ylovmas... allanima!
Ma-a, ma-a!

Uch-to'rtta dikkaygan qil
Senga husn bo'ldimi?
Ko'salarga xos shakl
Bu kun rusm bo'ldimi?
Ma-a, ma-a!

Yo'lda echki va mushuk
Gaplari xunuk, shumshuk.
Bahslashib ketisharkan,
Yo'liqib qoldi kuchuk.

Sekinladi odimi
Va dedi tiyrak-tiyrak:
—Gapingiz qolmadimi
Soqol-mo'ylovdan bo'lak?

Mushukning soqoli yo'q,
Echkining mo'ylovi yo'q.
Tabiat qonuni bu
Boshqa so'zga o'rin yo'q.

Echki — chaqaloqlarga
Oq sut berishin bilsin.
Mushuk — chaqqonlik bilan
Sichqonni tutaversin.

QARANG, QANDAY PAHLAVONMIZ

Qarang, qanday pahlavonmiz
Baho bering payga qarab!
Biz har kuni jismoniy mashq
Qilamiz-da ertalab.

Goh tizlami bukib pastga,
Goh sakraymiz balandga.
Goh fil bo'lib, gohi sichqon,
Kuch to'playmiz badanga.

Sakrabodom o'ynaganda
Ikki yuz bor irg'iyimiz.
Quvlashmashoq o'ynaganda
Bamisoli qirg'iyimiz.

Qarang, qanday pahlavonmiz
Baho bering payga qarab.
Biz har kuni jismoniy mashq
Qilamiz-da ertalab.

BUZOQ

Buzoqchani sevib qoldik,
Quloqlari dikkaygan.
O't yeyolmas, emar faqat,
Onasi bor kekkaygan.

Sutin emgach to'yib-to'yib,
Yotib uxlab, chaqnaydi.
Uyg'onganda tashnalikdan
Boshginasin chayqaydi.

Sug'oramiz buzoqchani
Bog'da eng zo'r buzoq bu.
Quvlashmashoq ham o'ynaymiz
Dikong-dikong sakrar u.

Tuzni juda yaxshi ko'rar,
Buzoqchasiga tilar.
Namxush qora tushug'i-la
Qo'limizni turtkilar.

Buzoqchamiz suzag'onmas
Hech kimsani yiqmagan!
Talay yoshga borib qoldi,
Ammo shoxi chiqmagan.

KOPTOK QO'SHIG'I

Men boshimda yotaman,
Va boshimda turaman.
Shu dumaloq bosh bilan
Chimloqqa yuguraman.
O'zim o'zimga boshman,
Botirroqman hammadan.
Boshim bilan ont ichay,
Men qo'rqaman zarbadan.

Hey bolalar, qizchalar,
Ko'ringlar sakrashimni!
Bolalardan, bilsangiz,
Ayamayman boshimni.
Bir joyda turolmayman,
Osmonni ko'zlar ko'zim.
Kaft bilan ur, ayama,
Mazza qilsang o'zing.

Tap-to'p, tap-to'p,
Uchib ketdim do'p-do'p.
O'tliq kabi qochaman,
Havolarda uchaman.
Esname va lalayma
Meni quvla, shalpayma.

Tep qattiqroq, balandroq,
Oshay uylar, tomlardan.
Qanday zo'r baland uchmoq
Bo'lmoq chempionlardan.
Qani olg'a, bolalar,
Tog'da bitgan lolalar,
Qaysingiz kuchliroqsiz?
Ildamroq, epchilroqsiz?

Qish demay va yoz demay,
Qancha ko'p yugursangiz.
Doim atirgul kabi
Qizil bo'lar yuzingiz.

CHOY

Minglab choypoyalar kelar odimlab,
Aka-ukalarday yelkama-yelka.
Shunday kuchga to'lgan alplarni kimlar
To'plagan ne uchun, qanday bu yerga?

Mayli hayratlaning, mayli, quvoning,
Xotirlab yurakka tugging, albatta.
Bu yerda har buta mag'rur polvonning
Yer yulib olishda hissasi katta.

Butun yonbag'irlar, bog'lar va qirlar,
Bitta gilam bilan qoplandi-qoldi.
Biroq, yashil bo'ldi cheksiz adirlar,
Quyoshda tovlangan bir libos oldi.

Butalarning bargi-yaproqlari
Quyosh nurlarida ezilmasin deb.
Choyterar qizlarning barmoqchalari
Oqqushlarday yengil suzadi hadeb.

Qanday katta mehnat sarflangan bunga
Siz farqlay olmassiz buni hoynahoy.
Siz faqat farqlarsiz choy ichgan kunda,
Faqat choyini... Xushbo'y bo'lsa agar choy.

OY

Ko'kka chiqar dumaloq oy
O'n beshiga to'lganda.
Tog'lar osha suzar tolmay
Yarim kecha bo'lganda.

Suzib o'tar shosha-pisha
Bulutlarni yoqalab.
Ko'k toqidan oshar, tongni
Olib kelar orqalab.

Tinch o'rmonda kezar ziyo,
Tog'lar xobga botarlar.
Ular tungi oyni go'yo
Tush ko'rganday yotarlar.

Oromgohda hamma bola
Uxlar. O'char chiroqlar.
Faqatgina oydan shu'la
Taraladi yaraqlab.

Faqatgina dumaloq oy
Derazaga egilar.
Uxlar butun Yer hoynahoy,
Ki priklarim tugilar.

CHIROQQURLAR

Son-sanoqsiz chiroqqurt
Tunda raqsga tushadi.
Yonib-o'chadi, yalt-yult,
Nur uchqunlar uchadi.

Ular har yonda bo'lar
U yoq ham cho'g', bu yoq ham.
Ularni tutgim kelar,
Ammo qo'rqadi odam.

Balki qo'lni kuydirar!
Yo'q, tutsam kuydirmadi.
Negadir tortdi xira
Qo'lda yoniq turmadi.

Kaftlarda qisib ko'ring,
Iltimas. Hayron bo'ldim.
Olov sovuq bo'lishin
Umrimda endi ko'rdim.

Tun qo'ng'izi — chiroqqurt,
Chiroqlarning chaqnasin!
Qorong'i tortganda yurt,
Yo'limiz yaraqlasin!

Yurganda shod yuraylik,
Raqsqa tushsin uchqunlar.
Ko'rib xandon uraylik,
Yalt-yult qilaver tunlar.

Ruschadan Miraziz A'ZAM tarjimasi

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТЕСТ ЯКУНЛАРИ

Сирдарё вилоятида битта университет, 6 та ўрта махсус билим юрти мавжуд. Вилоятда 4505 абитуриент тест имтиҳонидан иштирок этиб, улардан 433 нафари ўқишга қабул қилинган. Ўрта махсус ўқув юртларига 2194 абитуриентдан ариза тушган ва улардан 970 киши ўқишга киришган. Вилоят абитуриентларининг жавоблар самарадорлиги 30.78 фоиз бўлиб, 13 ўринга тўғри келган. Рус тилида таълим оладиган гуруҳларда бу кўрсаткич бироз юқорироқ бўлган. Кимё, физика, тарих фанларидан ўсиш кўпроқ бўлган. Вилоятнинг бу соҳадаги ҳолати қуйидаги жадвалларда келтирилган (Ўзбек гуруҳлари):

DTM tahlili

Фан номи	1999			2000		
	Самар.	Ўрин	Самар.	Ўрин	Самар.	Ўрин
Ўзбек тили ва адабиёти	29.94	12	27.46	12	Ўзгармаган	
Математика	30.36	14	30.93	13	Ўсган	
Физика	24.08	14	25.36	13	Ўсган	
Биология	34.02	14	31.07	13	Ўсган	
Кимё	30.68	14	29.33	13	Ўсган	
Тарих	36.82	13	31.93	9	Ўсган	
География	51.3	1	51.33	1	Ўзгармаган	
Инглиз тили	30.11	14	29.12	13	Ўсган	
Немис тили	24.81	14	24.28	14	Ўзгармаган	
Француз тили	26.79	12	26.95	12	Ўзгармаган	

(Рус гуруҳлари)

Фан номи	1999			2000		
	Самар.	Ўрин	Самар.	Ўрин	Самар.	Ўрин
Рус тили ва адабиёти	45.31	6	44.17	5	Ўсган	
Математика	36.25	10	37.34	9	Ўсган	
Физика	30.33	7	33.22	3	Ўсган	
Биология	44.1	10	43.49	7	Ўсган	
Кимё	36.35	9	43.63	2	Ўсган	
Тарих	36.71	10	35.35	8	Ўсган	
Инглиз тили	42.69	13	42.35	11	Ўсган	
Немис тили	31.48	7	31.60	7	Ўзгармаган	
Француз тили	22.47	13	25.20	13	Ўзгармаган	

Статистик ишланмалар асосида Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманларидан тест имтиҳони топширган абитуриентларнинг фанлар бўйича натижалари ҳисоблаб чиқилди. Уларнинг рейтинг кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган (Ўзбек гуруҳлари):

Т/р	Туман ёки шаҳар номи	Самарадорлик
1	Янгиер шаҳри	31.97
2	Сирдарё шаҳри	30.17
3	Шароф Рашидов тумани	29.53
4	Ширин шаҳри	29.48
5	Гулистон шаҳри	28.19
6	Сирдарё тумани	27.66
7	Меҳнатобод тумани	27.44
8	Бахт шаҳри	27.42
9	Ховос тумани	27.17
10	Оқолтин тумани	27.11
11	Боёвут тумани	26.94
12	Гулистон тумани	26.91
13	Сайхунобод тумани	26.68
14	Мирзаобод тумани	25.40
15	Пахтаобод шаҳри	24.60

Сирдарё вилоятининг фанлардан юқори кўрсаткичларга эришган шаҳар ва туманлари абитуриентлари Республиканинг энг юқори кўрсаткичли шаҳар ва туманлари билан таққосланди. Натижа шуни кўрсатадики Сирдарё вилоятида шаҳарлардан келган абитуриентлар юқори кўрсаткичга эришган. Лекин вилоят миқёсида юқори ҳисобланган натижалар илғор туман ва шаҳарлар натижасидан 4-18 фоизгача паст бўлган.

Таққослаш натижаси қуйидаги жадвалда кўрсатилган (Ўзбек гуруҳлари):

Фан	Вилоят кўрсаткичлари			Республика туман ва шаҳарлари кўрсаткичлари			
	Туман номи	Қатн.	Самар.	Вилоят номи	Туман номи	Қатн.	Самар.
Она тили ва адабиёти	Ширин шаҳри	43	32.62	Қашқадарё вилояти	Шеърисабз шаҳри	154	33.97
Математика	Ширин шаҳри	23	39.73	Буюр вилояти	Галасийё шаҳри	22	48.86
Физика	Ширин шаҳри	16	30.38	Хоразм вилояти	Хазрасп тумани	70	40.20
Биология	Янгиер шаҳри	31	33.42	Самарқанд вилояти	Каттақўрғон шаҳри	19	48.54
Химия	Янгиер шаҳри	26	44.34	Самарқанд вилояти	Каттақўрғон шаҳри	21	48.15
Тарих	Янгиер шаҳри	101	35.45	Сурхондарё вилояти	Денов шаҳри	20	43.19
Инглиз тили	Сирдарё шаҳри	34	44.93	Буюр вилояти	Когон шаҳри	40	53.75
Немис тили	Гулистон шаҳри	27	27.57	Жиззах вилояти	Фориш тумани	37	43.32
Француз тили	Гулистон тумани	37	29.65	Буюр вилояти	Ромитан тумани	34	48.69

Тест имтиҳонидан паст натижа кўрсатган туман ва шаҳарлар Республика миқёсида шундай туман ва шаҳарларга таққосланганда, Сирдарё вилоятининг Оқолтин тумани кимёдан, Боёвут тумани инглиз тилидан, Музобод тумани француз тилидан Республика миқёсидаги энг паст кўрсаткич эканлиги кўринади. Бу вилоят халқ таълимнинг жуда катта камчилигидир. Тест натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган (Ўзбек гуруҳлари):

Фан	Қорақалпоғистон Республикаси кўрсаткичлари			Республика туман ва шаҳарлари кўрсаткичлари			
	Туман номи	Қатн.	Самар.	Вилоят номи	Туман номи	Қатн.	Самар.
Она тили ва адабиёти	Бахт шаҳри	23	22.10	Самарқанд вилояти	Каттақўрғон шаҳри	22	21.21
Математика	Гулистон тумани	148	27.20	Навоий вилояти	Томди тумани	28	26.29
Физика	Ш. Рашидов тумани	62	23.92	Сурхондарё вилояти	Бандиқон тумани	35	21.26
Биология	Оқолтин тумани	38	28.29	Навоий вилояти	Конидах тумани	40	26.46
Химия	Оқолтин тумани	31	21.86	Сирдарё вилояти	Оқолтин тумани	31	21.86
Тарих	Оқолтин тумани	80	27.99	Қорақалпоғистон Респ.	Тахياتош шаҳри	19	27.19
Инглиз тили	Боёвут тумани	177	24.69	Сирдарё вилояти	Ш. Рашидов тумани	37	22.82
Немис тили	Сайхунобод тумани	37	22.07	Жиззах вилояти	Дўстлик тумани	17	19.12
Француз тили	Мирзаобод тумани	21	20.77	Сирдарё вилояти	Мирзаобод тумани	21	20.77

Вилоят абитуриентларининг тестда тўплаган баллари ўрганиб чиқилди. Тест топшириқларининг 50 фоиздан ортигини еча олган абитуриентлар сони 507 кишини ташкил этган. Тест топшириқларининг 0 фоиздан 30 фоизгача бўлганини 2310 абитуриент еча олган. Демак, тестда жуда паст натижа кўрсатган абитуриентлар маълум ютуққа эришганларга нисбатан 4,5 баравар кўпдир. Бу абитуриентларни тестга тайёрлашда кўпгина камчиликлар мавжудлигини кўрсатади.

Вилоятнинг тест имтиҳонидан фанлардан юқори натижа кўрсатган мактаблари ўрганилди. Натижа шуни кўрсатадики, Гулистон, Ширин шаҳарлари ва Оқолтин тумани ўқувчилари бу соҳада маълум ютуққа эришганлар. Натижа қуйидаги жадвалда келтирилган (Ўзбек гуруҳлари):

Фан	Туман номи	Мактаб №	Қатн. сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Ширин шаҳри	2	12	40.05
Математика	Гулистон шаҳри	1	5	45.00
Физика	Ширин шаҳри	1	5	35.56
Биология	Гулистон шаҳри	12	8	46.53
Химия	Гулистон шаҳри	12	6	47.69
Тарих	Сайхунобод тумани	20	4	46.53
Инглиз тили	Оқолтин тумани	28	8	44.44
Немис тили	Оқолтин тумани	2	7	27.78
Француз тили	Боёвут тумани	1	5	40.00

Вилоятнинг Гулистон туманидаги 8-мактаб ўқувчилари биологиядан 12.50 фоиз, Сайхунобод тумани 10-мактаб ўқувчилари она тили ва адабиётдан 13.89 фоиз, Оқолтин тумани 17-мактаб ўқувчилари математикадан 14.35 фоиз самарадорлик кўрсатиб, тест имтиҳонидан энг паст кўрсаткичга эга бўлган. Бу соҳада натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган (Ўзбек гуруҳлари):

Фан	Туман номи	Мактаб №	Қатн. сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Сайхунобод тумани	10	4	13.89
Математика	Оқолтин тумани	17	6	14.35
Физика	Гулистон тумани	9	6	15.28
Биология	Гулистон тумани	8	4	12.50
Химия	Ш. Рашидов тумани	5	5	18.89
Тарих	Сайхунобод тумани	38	6	17.13
Инглиз тили	Боёвут тумани	2	7	17.86
Немис тили	Сайхунобод тумани	11	5	18.89
Француз тили	Боёвут тумани	29	5	19.44

Вилоят мактабларини юқори баҳолар билан битирган абитуриентларнинг аттестат бўйича ўртача баллари тестдаги натижалар билан таққосланди. Бундай аттестатдаги баҳоларга мос юқори балл тўплаган абитуриентлар қуйидаги жадвалда кўрсатилган. Улар Республикада нуфузли ўқув юртларига кириб, ўз мақсадларига эришганлар (ижобий ҳол):

Тил	Ихт	Ўқув юрти	Туман	Мактаб	Атт.	Балл
1	21	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Мирзаобод тумани	10	4.5	209.2
2	32	Ўзбекистон миллий университети	Сайхунобод тумани	1	5.0	192.4
1	29	Тошкент юридик институти	Ховос тумани	7	4.6	177.1
1	16	Ўзбекистон миллий университети	Оқолтин тумани	7	4.3	162.6
1	16	Тошкент давлат иқтисодий университети	Сирдарё тумани	28	4.7	162.1

1	31	Тошкент иккинчи тиббиёт институти	Боёвут тумани	38	4.6	162.1
2	45	Тошкент иккинчи тиббиёт институти	Сирдарё тумани	25	5.0	161.7
1	29	Тошкент юридик институти	Мирзаобод тумани	22	4.5	159.6
1	16	Гулистон давлат университети	Мирзаобод тумани	11	5.0	159.2
1	54	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси муҳандислари институти	Ховос тумани	9	4.4	157.3
2	31	Тошкент иккинчи тиббиёт институти	Сайхунобод тумани	2	5.0	154.7
1	25	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Мирзаобод тумани	2	4.4	154.3
1	56	Тошкент автомобиль йўллари институти	Боёвут тумани	2	4.3	150.5
1	1	Тошкент вилоят давлат педагогика институти	Сайхунобод тумани	18	4.5	150.3

Кўпгина абитуриентлар ўз аттестатларидаги юқори баҳога мос келадиган даражада балл тўплай олмаганлар. Демак, мактабда ўқувчилар билимига тўғри, ҳолисона баҳо қўйилмаган. Абитуриентларнинг бу гуруҳи тестга етарлича тайёрланмаганлар. Натижа қуйидаги жадвалда келтирилган (салбий ҳол):

Тил	Ихт	Ўқув юрти	Туман	Мактаб	Атт.	Балл
1	1	Гулистон давлат университети	Мирзаобод тумани	21	4.4	33.8
1	5	Гулистон давлат университети	Гулистон тумани	16	4.0	33.8
1	33	Гулистон давлат университети	Ш. Рашидов тумани	4	4.3	33.7
1	16	Гулистон давлат университети	Боёвут тумани	7	4.4	33.6
1	4	Гулистон давлат университети	Гулистон тумани	14	4.3	33.6
1	4	Ўзбекистон миллий университети	Сайхунобод тумани	21	4.9	33.6
1	2	Гулистон давлат университети	Гулистон тумани	9	4.2	33.6
1	7	Наманган давлат университети	Сирдарё тумани	12	5.0	33.5
1	7	Тошкент давлат педагогика университети	Боёвут тумани	10	4.6	33.4
1	7	Гулистон давлат университети	Ховос тумани	6	4.6	33.3
1	190	Тошкент давлат санъат институти	Оқолтин тумани	8	4.3	32.8
1	56	Тошкент автомобиль йўллари институти	Ш. Рашидов тумани	2	4.7	31.6
1	54	Тошкент давлат техника университети	Ховос тумани	19	4.9	31.6
1	16	Гулистон давлат университети	Боёвут тумани	29	4.0	29.7
1	21	Гулистон давлат университети	Ховос тумани	7	4.0	29.5
1	4	Гулистон давлат университети	Ховос тумани	6	3.3	29.5
1	1	Гулистон давлат университети	Мирзаобод тумани	4	4.1	28.4
1	31	Тошкент биринчи тиббиёт институти	Мирзаобод тумани	21	4.1	28.4
1	21	Гулистон давлат университети	Сайхунобод тумани	1	4.0	26.4
1	1	Гулистон давлат университети	Боёвут тумани	34	5.0	25.3
1	48	Тошкент молия институти	Боёвут тумани	13	4.0	25.3
1	5	Жиззах давлат педагогика институти	Ховос тумани	24	4.6	24.4
2	16	Гулистон давлат университети	Сирдарё тумани	8	4.3	23.1

Вилоятда тест натижаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, вилоят абитуриентлари тест натижасига кўра, 13-ўринни эгаллаганлиги, кўпчилик абитуриентлар ўзларининг аттестатдаги юқори баҳоларига мос балл тўплай олмаганликлари таълим тизимида катта камчилик мавжудлигидан далолат беради. Бундан вилоят халқ таълими бошқармаси, халқ таълимига мутасадди ходимлари, мактабларнинг раҳбарлари ва ўқитувчилар тегишли хулоса чиқариб олишлари керак.

Вилоятда таълим ва тарбияни мукамаллаштириш, таълимга техник воситаларни ва янги педагогик технологияларни жорий этиш, ўқувчиларни билим олишга қизиқтириш, тест тизимини ўқувчиларга ўргатиш, таълимий тестлардан кенг фойдаланиш зарур.

М.МУХИТДИНОВ,
Давлат тест маркази директори

Tajriba, tashabbus

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин умумтаълим мактабларида, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим-тарбияни мукамаллаштириш, миллий кадриятларни эъзозлаш борасида жуда катта ютуқларга эришдик. Келажак буюк давлатимизнинг қаноти бўлган ёшларни чуқур билимли ва покиза ахлоқ-одобли қилиб тарбиялаш айнан ана шу мезонлар билан узвий боғлиқдир. Бунга биз, мамлакатимиз Президентининг вилоятимизга куни кеча қилган ташрифлари давомида яна бир бор амин бўлдик. Ислоҳ Каримов Қамаш педагогика коллежидан бўлганларида талабаларнинг билим олиш, касб-хунар ўрганиш жараёнлари билан атрофда қизиқдилар. "Зингер" тикув машиналарида спорт формалари тикаётган талабаларнинг меҳнатига юқори баҳо бердилар. Бугунги ёшларни компьютер тизимини мукамал ўзлаштираётганларини кўриб хурсанд бўлдилар. Касб-хунар тизимини такомиллаштириш, мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш борасида зарурий

маслаҳатларини бердилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг шахсан ташаббуси ва ғояси натижасида юзага келган янги «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида ҳозирги кунгача вилоятимизда 2 та академик лицей, 16 та касб-хунар коллежлари ташкил қилинди. Бу билим масканлари саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, педагогика ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда етук мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган. Академик лицейларимизда 415 нафар, касб-хунар коллежларимизда эса

янги ўқув дастурларини тайёрлаш, синовдан ўтказиш ва жорий этиш бўйича вилоят комиссияси ишлаб турибди.

Ишни тўғри ташкил этиш, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида тайёрландиган йўналишлар бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва синаб кўриш мақсадида иқтидорли олимлар тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг асосий мақсадларидан бири, узлуксиз таълимнинг узвийлигини таъминлашдан иборатдир. Бу борада ташкил қилинган синов майдончаларида бир талай ишлар амалга

ҳий онг ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасида ҳам бир талай тажрибалар йўлга қўйилди. Масалан, ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан қонуншуносликка оид турли мавзуларда учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда.

Билим даргоҳларидаги ўқув жараёнларини янада мукамаллаштириш мақсадида химия, биология, физика, математика ва бошқа бир талай фанларни ўқитишда техника воситаларидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу борада, Самарқанд шаҳридаги "Эл"фирмаси билан ҳамкорлигимиз кўл келяпти.

ЮКСАК ҒОЯЛАР
ЙЎЛИДА

50298 нафар ўғил-қизларимиз янги давлат таълим стандартларига мос ўқув режа ва дастурлари асосида билим олишяпти.

Вилоятимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш, тизимни янада жиддий ривожлантириш борасида талайгина ишлар қилинмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълиминини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, академик лицей, касб-хунар коллежлари учун

оширилмоқда. Тажриба-синов майдончаларида олиб борилган ишларнинг якуни бўйича 2000 йилнинг 16 октябрида Вазирлар Маҳкамасининг 400-сонли қарори билан ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти тасдиқланди. Ҳозирги кунда бир қатор ўқув муассасаларининг тажриба-синов майдончаларида тармок стандартларини ишлаб чиқиш бўйича иш олиб борилаёпти. Шу соҳада Қарши саноат касб-хунар коллежи "Ўзбекнефтьгазгеология" ҳиссасдорлик жамияти, "Муборакгаз", "Шўртангаз" газ конлари бошқармасининг мутахассислари билан ҳамкорликдаги ишлари ижобий натижалар беради.

Вилоятимиздаги барча ўқув даргоҳлари талабаларининг ру-

Мавжуд жиҳозлардан тўғри фойдаланиш мақсадида Қарши қурилиш касб-хунар коллежидан, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг химия, физика, информатика фанлари ўқитувчилари ҳамда "Эл" ОТАЖининг мутахассислари иштирокида семинар кенгаши ўтказилди.

Янги ахборот технологиясидан унумли фойдаланиш мақсадида бошқармаимиз ходимлари "модем" ва электрон почта, "интернет" алоқалари тизимидан самарали фойдаланишмоқда. Бу тизимни академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўрнатиш устида ҳам қизгин иш кетаяпти.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқариш босқичларида кўрсатилган халқаро ҳамкорликни кенгайтириш

ва чет эл сармояларини жалб этиш бандларини бажариш мақсадида вилоятимиздаги ўқитувчилардан 39 нафари АҚШ, Олмония, Голландия, Канада, Франция, Япония, Корея Республикаларида тажриба ўрганиб қайтишди. Ҳозирги кунда, Корея Республикасида 6 нафар ўқитувчи ва 2 та касб-хунар коллежлари, директорлари кореялик ҳамкорларимиз томонидан жиҳозланган химия, биология, информатика, физика, автомобиллар тузилиши ва электротехника фанлари махсус хоналари жиҳозларидан фойдаланиш бўйича тажриба ортиряпти.

Бугунгача Жанубий Корея кредити ҳисобидан жами 650 миллион сўмлик ўқув лаборатория, фан кабинетлари керакли жиҳозлар ва кўргазмали куроллар билан бойитилди.

Бундан ташқари Осиё Тараққиёт Банки томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан Яқкабоғ, Кавчин қишлоқ хўжалик, Қарши саноат касб-хунар коллежлари шунингдек, Япониянинг "ЖБИС СПРОФ" фирмаси томонидан 10 та қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларини жиҳозлаш учун кредит ажратиш мақсадида ҳужжатлар тайёрланди ва шу йилнинг иккинчи ярмида жиҳозлар келтири бoшланиши кўзда тутилган.

Айни кунларда Жанубий Корея республикаси кредити ҳисобидан 8 та касб-хунар коллежлари ва 2 та академик лицейларини жиҳозлаш ишлари давом этмоқда.

Р.РАҲИМОВ,
Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи



Куни кеча республика Таълим марказининг кичик конференциялар залида ўз билим ва тажрибаларини ошириш мақсадида АҚШнинг Монтана Давлат университетига йўланма олган бир гуруҳ ўзбекистонлик ўқитувчиларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Таълим бўйича Америка Кенгашлари (АКСЕЛС)нинг Ўзбекистондаги директори Майкл Куртис, АКСЕЛС марказининг ўқитувчилар дастури бўйича ассистенти Зиёдулла Ортиқов ҳамда йўланмани қўлга киритган 10 нафар ўзбекистонлик ўқитувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

— "Ўқитишда аълочилик

Xalqaro hamkorlik

чуқур билимли ва юксак салоҳиятли инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида масъулиятни бирдек ҳис этиб, ҳамкорлик қилишлари аҳамиятлидир.

Жорий йилда мазкур дастур бўйича ўтказилган куриктанловда республикамизнинг барча вилоятларидан 250 нафар юқори малакали инглиз тили фани ўқитувчилари иштирок этиб, уларнинг 120 нафари ҳакамлар томонидан республикамизнинг инглиз тили фанини ўқитишда энг сара ўқитувчилари деб топилди. Бундан ташқари мусобақаларнинг иккинчи босқичида

АЪЛОЧИ ҲЎҚИТУВЧИЛАРИМИЗ
АМЕРИКАДА


мукофоти" дастури, — дейди ўз нутқида М.Куртис голиб ўқитувчиларни муборакбод этаркан, — Ўзбекистонда 4 йилдан буён амалда бўлиб, у орқали америкалик ва ўзбекистонлик ўқитувчилар ўзаро тажриба алмашиш, бир-бирлари билан дўстона мулоқотда бўлиш, фикр алмашиш имкониятларига эга бўляптилар.

Дарҳақиқат, АҚШ давлат департаменти ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси таълим ва маданият бўлими, Халқаро таълим бўйича Америка Кенгашлари АКСЕЛС маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур дастур доирасидаги тадбирлар айтиш мумкинки, Ўзбекистон — АҚШ дўстона алоқаларида муҳим ўрин тутди. Зеро, фарзандлар таълим-тарбиясига оид муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, ёшларнинг

голиб бўлган 37 нафар ўқитувчи эса 200 долларлик қийматга эга бўлган янги ўқув қўлланмалари ва ўз мактаблари учун 2 минг долларлик қийматдаги компьютер технологиялари билан мукофотландилар. Сўнгги учинчи тур голиблари бўлган 10 нафар ўқитувчи 7 ҳафта мобайнида АҚШда бўлиб, ўз билим ва тажрибаларини ошириш баробарида Америка халқининг маданияти, тарихи, урф-одатлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Биз ҳам бу жонқуяр ўқитувчиларимизга оқ йўл тилар эканмиз, ишонамизки, уларнинг чет элга қилаётган сафарлари мазмунли ўтиб, ўзларининг кейинги фаолиятларида асқотадиган зарур билим, кўникма ва тажрибалар билан қайтишади.

Б.ЖОВЛИЕВ,
"Маърифат" мухбири

ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ:
НАЗАРИЯДАН АМАЛИЁТ САРИ

Яқинда Самарқанд шаҳридаги "Афросиёб" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси травматолог ортопедларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда республикамиз вилоятларида хизмат қилаётган травматология-артрология соҳаси мутахассислари, олимлар ва илмий тадқиқотчилардан ташқари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Татаристон давлатларидан, Қорақалпоғистон Республикасидан ҳам шу соҳанинг етакчи мутахассислари иштирок этишди.

Анжумани Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Маматов очди. Шундан сўнг анжуман иштирокчилари ўзларининг Вертебродология ва артрология касалликларининг долзарб муаммоларига бағишланган чиқишларини бошладилар.

—Бугунги анжуман ҳаётимизда энг кўп учрайдиган касаллик турларидан ҳисобланадиган бўғин, бел оғриғи, умуртқа поғоналари касал-

ликларининг олдини олиш ва даволаш муаммоларига қаратилган. Чунки аҳолининг аксарият қисми айнан шу касалликлар туфайли ногиронлик нафақасига чиқиб кетаётганлиги тиббиёт ходимларини ташвишлантирмоқда. Бу касалликларни даволаш жуда мураккаб бўлиб, бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда юксак технологиялар асосида даволаш йўлга қўйилган. Республикаимизнинг Тошкент, Андижон, Самарқанд шаҳарларида чет эл тажрибаларига таянган ҳолда даволаш ишлари йўлга қўйилган бўлса-да ҳали барча вилоятларда вертебродология ва артрология соҳасида тажрибали мутахассислар етишмайди. Бугунги анжуман шу соҳа мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашишларида катта аҳамиятга эга, —деди Соғлиқни сақлаш вазирлиги травматология ва ортопедия илмий текшириш институти директори М. Азизов.

Анжуманда 34 нафар олим ва илмий тадқиқотчиларнинг касалликларни даволашнинг самарали усуллари бағишланган маърузалари тингланди.

Бундан ташқари конференцияда кейинги йилларда травматология ва артрология соҳаси бўйича турли давлатларда яратилган хабарномалар, ўқув қўлланмалари, адабиётлар кўргазмаси ҳамда Самарқанд травматология ва артрология шифохонасининг умуртқалар жарроҳлиги бошлиғи Саидқосим Пардаев ва Самарқанд тиббиёт институти профессори Файзулло Уринбоевлар томонидан умуртқаси шикастланган беморлар учун, Тошкент травматология шифохонаси спорт жароҳати жароҳи Шавкат Умаровнинг билан, сон ва елка суяклари синганда қўлланадиган, туғма нуқсонли касалларнинг суякларини ўстиришда ишлатиладиган ва тиббиёт фанлари номзоди Аъзам Ахтамовнинг, болалар соғлигини тиклашда ғоятда қўлай бўлган мосламалари намойиш этилди.

Конференцияда Самарқанд травматология ва артрология шифохонаси шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Аъзам Ахтамов томонидан ўқилган маъруза энг яхши маъруза деб топилди.

Н.ШЕРБОЕВА,
"Маърифат" мухбири
Суратда: СамТИ профессорлари томонидан умуртқаси шикастланган беморлар учун яратилган мослама.

АСОСИЙ КУРС
ОЛД КЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ
ИШЛАТИЛИШИ
Lesson Five

(Давоми)

Инглиз тилида рус тилига ўхшаш олд кўшимча «предлог»лар кенг қўлланади. Бунинг сабаби инглиз тилида отларни деярли келишкларни йўқлигидадир. Инглиз тилида атиги отларнинг иккита келишиги бор: 1.Бош келишик. 2.Қаратқич келишиги.

Шунинг учун ўзбек тилидаги отларни олти-та келишик кўшимчалари, жумладаги сўзларнинг бир-бирига боғланиши ва бир бирига мосланишлари инглиз тилида олд кўшимчалар ёрдамида амалга оширилади.

Масалан:

Ўзбек тилидаги “да” кўшимчаси билан кўрсатилган ўрин ҳоли инглиз тилида қуйидаги олд кўшимчалар орқали ифодаланади. Бу олд кўшимчаларнинг ўрни доим отлардан олдин қўйилади. Отларнинг ўзига ҳеч қандай кўшимчалар қўшилмайди.

Масалан:

On-устида деган маънони беради (бирор предмет устида турган нарсалар ҳақида айтилади)

On the table - стол устида.
On the wall - деворда.
On the blackboard - доскада.
On the car - машина устида.

In-ичида деган маънони беради.

In the bag - сумканинг ичида
In the room - хонанинг ичида.
In the pocket - чўнтақда

1

ИНГЛИЗ ТИЛИ
САБОҚЛАРИ

In my car - менинг машинам ичида.

At-ёнида, олдида деган маънога эга.
At the blackboard - ёзув тахтаси ёнида
At the window - деразанинг олдида
At the door - эшик ёнида.
Under- тагида, остида деган маънога эга.
Under the car - машина тагида.
Under the table - стол тагида
In front of - олдида, олд тарафида
In front of me - менинг олдимда
In front of us - бизнинг олдимизда
In front of his house - унинг уйи олд тарафида

да

УЙ-ЖОЙГА ОИД СЎЗЛАР

1. A flat - хонадон
2. Comfortable - қулай, шинам
3. A room - хона
4. A sitting-room - меҳмон кутадиған хона, зал
5. A living-room - оила аъзолари йиғилиб ўтирадиган хона
6. A bed-room - ётоқхона
7. A dining-room - емақхона
8. A kitchen - ошхона
9. A bath-room - ванна хона, хаммом
10. Large - катта
11. Small - кичик
12. Furniture - мебель, жиҳоз
13. A carpet - гилам

2

14. A curtain - дераза парда
15. Colour - ранг
16. White - оқ
- blue - кўк
- green - яшил
- red - қизил
- black - қора
- brown - жигар ранг
- yellow - сариқ
17. A table - стол
- a round table - думалоқ стол
- a square table - тўртбурчак стол
- a writing table - ёзув столи
18. A chair - стул
19. An armchair - кресло
20. A sofa - диван
21. A TV-set - телевизор
22. A radio-set - радио
23. A tape-recorder - магнитофон
24. A book-case - китоб шкафи
25. A wardrobe - кийим шкафи
26. A side-board - сервант
27. Around - атрофида
28. In the center - марказида
29. In the middle - ўртасида
30. Near the wall - девор ёнида
31. In the corner - бурчақда
32. In the corner of the room - хонанинг бурчагида
33. New - янги
34. On the right side - ўнг томонда
35. On the left side - чап томонда
36. A bed - каравот
37. A study - ижодхона

Good bye!
(Давоми бор)

3

Республикамиз давлат мустақиллигига эришиб, бозор иқтисодиётига йул тутган даврдан бошлаб, тобора кўпроқ кишилар фойдали тадбиркорлик соҳасида ташаббус, омилкорлик ва маҳорат кўрсатмоқда. Бундай шароитда уз-узидан аниқки, ёшлар орасида эркин ва ижодий меҳнатда юқори натижаларга эришиш учун зарур бўлган иқтисодий билимларга ва иқтисодий нафли фаолиятнинг барча соҳаларида тадбиркорлик маҳоратини эгаллаб олишга интилиш кучаяди.

Булардан ташқари хусусий тадбиркорлик ва урта мулкдорлар синфи республикада шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг асосий таянчи ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига утиш жараёнида урта мулкдорлар синфининг вужудга келиши ҳар доим ҳам бир метёрда, қонунларда қўзда тутилган тартибда ва рисоладагидек бормайди. Ёшлар орасида тайёрига айёрлик ва ялқовлик майллари ҳамда хуфёна иқтисодиётнинг белгиларини узида мужассамлаштирган, гайри ахлоқий йўллар билан уз мақсадига эришишга ҳаракат қилувчи гирром тадбиркорлар ҳам учраб туради. Шу сабабли буюк мақсадларимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айна пайтда узининг утмиши, улўқ кадриятлари, миллати билан фахрланидиган ва келажакка ишонадиган ёшларни тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолади.

Ёшларда бозор муносабатлари, иқтисодий ҳаёт кадриятлари, муваффақиятлари, уларга эришиш йўллари ва усуллари ҳақидаги реал тафаккурни шакллантириш ҳамда иқтисодий эркин шахсни тарбиялашда, иқтисодий таълим, шу жумладан иқтисодий фанларга алоҳида масъулият юклатилади. Чунки ёшларда янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш бозор ислохотларини муваффақиятли амалга оширишнинг энг асосий кафолатидир.

Назарий иқтисодий фанлар инсоният тараққиётининг барча босқичларида, хусусан унинг маданиялашган белгилар касб этган даврларида кишилар тафаккурида иқтисодиёт ва унда руй берадиган иқтисодий ҳодиса ҳамда жараёнларнинг туб моҳияти туғрисидаги назарий қарашларни шакллантиришга хизмат

қилиб келган. Бундан қуриниб турибдики, фаннинг илмий билиш вазифаси иқтисодий муносабатларнинг барча тизимини қамраб олади. Биз таҳлилни фақат мазкур фанларнинг иқтисодий жараёнларни рўёбга чиқариш шакли ҳисобланган тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги кўникмаларини ҳосил қилиш ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг иқтисодий мазмунини ёритиб беришдаги вазифасига қаратамиз.

Тадбиркорликнинг нотўғри ва юзаки назарий талқини бу фаолиятнинг реал ҳаётда фақат “расмий” амал қилишига ёки уз имкониятларини тулиқ рўёбга чиқара олмаслигига сабаб бўлади. Бунга яқин ўтмишдаги иқтисодий тизимиздан мисоллар жуда кўп. Шунингдек, жамият аъзоларида, асосан, унинг ўсиб келаётган қисмида тадбиркорлик ҳислатларини шакллантириш талабларини ҳисобга олмаслик жамият аъзоларида

Fikr

иқтисодий фанлар олдида тадбиркорликнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва уларни кишиларнинг кундалиқ кўникмаларига айлантириб боришдек масъулиятли вазифани қўяди.

Тадбиркорликнинг назарий асослари жаҳон иқтисодий фанида етарли даражада тулиқ ишлаб чиқилган бўлсада, анъанавий фанда унинг “миллий андозаси” ҳали тулиғича илмий таҳлил қилиб берилмаган. Тадбиркорликнинг миллий андозаси республика иқтисодиётининг ва умуман миллий иқтисодиётнинг хусусиятларини, халқимизнинг тарихий илдилари, шарқона турмуш тарзи, анъаналари ва маънавий маданияти каби жиҳатлар билан тулдирилган ҳамда бойитилган ҳолда келтирилиши лозим. Бу уз навбатда бутун иқтисодиёт назарияси фанига ҳам тегишли.

Чунки жамият аъзоларида тадбиркор-

ИҚТИСОДИЙ
ТАФАККУР ҚАНДАЙ
ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

боқимандалик кайфиятининг кучайиши, тайёрига-айёрларнинг қўпайиши, истеъмолга устунлик берилиши, вақт омилининг уз қадрини батамом йўқотиши каби салбий ҳолатларга олиб келади. Булар ҳам яқин тарихдаги ҳаётимизнинг одатий ҳолатлари бўлиб, жамият ҳозиргача бу иллатлардан тулиғича қўтилган йўқ.

Шундай экан, жамият аъзоларида тадбиркорлик ҳислатларини шакллантириш жорий давр талаблари билан эмас, балки узлуксиз характердаги истиқболли вазифалар сифатида белгиланиши лозим. Шу сабабли Республикамиз Президенти И.Каримов тобора кўпроқ кишилар, асосан ёшлар фойдали тадбиркорлик соҳасида ташаббус, омилкорлик, маҳорат кўрсатишлари учун зарур бўлган иқтисодий билимларни ва ишлаб чиқариш маҳоратини эгаллаб олишга интилиши зарурлигини таъкидлайди. Бу

лик кўникмаларининг шаклланиши улар иқтисодий билимларни тулиқ эгаллаб олган тақдирдагина мумкин бўлади. Шундай экан тадбиркорликнинг назарий асосини яхлит олинган “Иқтисодиёт назарияси” фани ташкил қилади. Оралиқ, хосила ва амалий иқтисодий фанлар бу асосни тулдирди ҳамда тадбиркорликни иқтисодий ҳаётда алоҳида фаолият тури сифатида рўёбга чиқаришнинг зарур шарт-шароити ҳисобланади.

Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларининг шаклланиши назарий иқтисодий билимларнинг амалий ҳаёт билан боғланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Иқтисодий билимларнинг реал ҳаётдан узилиши қанчалик катта бўлса, кишиларда тадбиркорлик ҳислатлари шунча кам, бу фаолият тури эса кўпроқ расмий характер касб этиб боради. Шу сабабли кишиларни, хусусан ёш авлодни амалий ҳаёт билан боғлаб иқтисодий билимлар

билан қуроллантириб бориш энг асосий талаблардан бири бўлиши лозим.

Ёшларда тадбиркорлик ҳислатларининг тулланиб бориши ва рўёбга чиқишида миллий иқтисодиётнинг ривожланиш тамойиллари ҳам уз ифодасини топади. Жумладан, бу аввало республика-мизда бозор иқтисодиётини босқичма-босқич қарор топтириш тамойилига тегишли. Бу тамойил тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришнинг ички мантиқини, бу фаолиятнинг ривожланиб бориш суръатларини ва характерли хусусиятларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим туғрисидаги” Қонуни ва ҳозир амалда бўлган кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ҳам мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишни босқичма-босқич амалга оширишни қўзда тутди. Бу иқтисодий таълим соҳасига ҳам тегишли.

Умумий таълим мактабларидан тортиб, урта махсус ва олий ўқув юрлари-гача талаба-ёшларга иқтисодий таълим бериш ихтисослик ва йуналишларни ҳисобга олиб, табақалаштирилган намунавий ўқув дастурлари асосида амалга оширилиши керак. Узлуксиз таълимнинг барча босқич ва йуналишлари учун ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни яратиш танлов асосида ва кадрлар тайёрлашнинг давлат стандартлари талабларидан келиб чиқиб йулга қўйилиши зарур. Бу истиқболда республикадаги бутун таълим тизими, унинг барча бугунларининг ягона мажмуа сифатида қарор топишига олиб келади ва ёшларда янги иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг самарадорлигини тулиқ таъминлайди. Шундагина ёшларнинг иқтисодий билим ва малакавий тайёргарлик даражаси яқин истиқболда республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий мезонларидан бири бўлиб қолади ва таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятининг ҳам энг асосий кафолатларидан ҳисобланади.

Тошболта Жўраев,
иқтисод фанлари номзоди, доцент,
“Олий таълим аълоҳиси”,
Тошкент молия институти
“Умумий иқтисодий назария”
кафедраси
мудир

ЖАЗО ЧОРАЛАРИ БЕКОР ЭТИЛАДИМИ?

БМТ Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида АҚШ ва Буюк Британия томонидан кўйилган таклифга Россия тарафи рози бўлмади. Чунки, унга кўра Ироққа нисбатан қўлланилган жазо чоралари қайта кўриб чиқилиши лозим. Аммо, расмий Москва жазо чораларини батамом олиб ташлаш тарафдори.

Хавфсизлик Кенгашининг бошқа аъзо давлатларининг фикрича, Ироқ ҳукумати ўз ҳудудига қуролланишни назорат этувчи халқаро комиссия аъзоларининг киришига рухсат берсагина, унга нисбатан жорий этилган жазо чоралари бекор этилиши мумкин.



ТЎҚНАШУВЛАР БЎЛМАСАГИНА МУЗОКАРА БОШЛАНАДИ

Исроил бош вазири Ариэль Шароннинг айтишича, тинчлик жараёнларини мустақамлаш ва бу борада қадам ташлаш учун тўқнашувларсиз 10 кун зарур бўлади. Шунингдек, икки томон бир-бирига камида олти ҳафта ҳужум қилмасалар, шундан сўнггина музокараларни давом эттириш мумкин. Аммо, "Хамас" гуруҳи вакиллари ҳали-бери Исроилга қарши ҳарбий ҳаракатларни тўхтатмасликларини маълум қилди.

ХУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

АҚШ ҳукумати Македония, Косово ва Балқон минтақасидаги бошқа можароларни ҳал этишга қарши турган этник албанлар борасида иккита ҳужжат имзолади. Унга кўра, Америкада этник албан гуруҳларининг фаолиятлари ва боришга албанларнинг Кўшма Штатларга ташрифлари тўхтатилади, дея хабар беради Рейтер агентлиги.

"ГИТЛЕР"НИНГ ОДАМЛАРИ УШЛАНДИ

Тожикистон ички ишлар ва мудофаа вазирликлари томонидан Ленин туманида ўтказилган махсус операциялар давомида 36 нафар террорчи йўқ қилинди ҳамда 66 нафари ҳибсга олинди. Бундай ҳатти-ҳаракатлардан мақсад Раҳмон Сангинов ва Мансур Муккаловлар раҳбарлик қилаётган террорчи гуруҳларни тугатишдир. Ҳозирда режа деярли ўз ниҳоясига етган бўлса-да, лекин, алоҳида тезкор қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

Сангинов Бирлашган тожик муҳолифатининг собиқ дала командирларидан бири бўлиб, жиноятчилик дунёсида "Гитлер" лақаби билан танилган. Унинг жангарилари 400 га яқин оғир жиноятлар содир этган, шундан 270 дан ортиғи қотилликдир. Муккалов ҳам аввал муҳолифат сафида бўлиб, ҳукумат билан тинчлик шартномаси тузилганидан сўнг, Тожикистон мудофаа вазирлиги таркибида ҳарбий қисм командири вазифасида хизмат қилган. Аммо, вазирликка бўйсунмагани учун ишдан ҳайдалган эди.

ШИФОКОРЛАР ЮБОРИЛАДИ

БМТ ассамблеясининг махсус сессиясида Европа Иттифоқи таркибига кирувчи давлатларнинг бештаси СПИД хасталигига қарши курашда ривожланаётган давлатларга ёрдам беришларини маълум қилдилар. Эндиликда Франция, Италия, Люксембург, Испания ва Португалия мамлакатлари ўз шифокорларини Африка ҳамда Лотин Америкаси давлатларига юбордилар. Уларнинг вазифаси эса жойларда беморларни даволаш ва профилактика ишларини олиб боришдан иборат.

(Давоми.
Боши газетамизнинг
16 июнь сониди)

Альберт Эйнштейннинг ҳаёти ва унинг илмий фаолияти тўғрисидаги фикримизни давом эттирамиз.

Дарҳақиқат, нисбийлик назарияси барча турдаги ҳаракатларни, жумладан, тезланишли (тезликнинг ўзгариши билан ҳосил бўладиган) ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. XVII асрда яратилган Ньютон механикаси эса нисбийлик назариясининг паст тезликлардаги хусусий кўриниши бўлиб қолди.

Лекин Ньютон механикасидаги гравитацион ва инерцион массаларга берилган таърифлар Эйнштейнни ўйлантириб қўйди. Ньютоннинг таърифича, жисмлар улар ўртасидаги масофа турлича бўлишига қарамадан бир-бирларига тортишадилар. Яна шуниси ҳам бор эдики, тортишиш ёки гравитация кучи жуда тез тарқалар эди. Гравитацион масса тортишиш кучи ўлчови ҳисобланса, жисмнинг шу куч таъсиридаги ҳаракати инерцион массаси билан аниқланади, яъни жисмнинг шу куч остида ҳаракатлана олиш қобилиятини билдиради. Эйнштейнни қизиқтирган саволлардан бири иккала массанинг бир-бирига мос келиши эди.

Бу масалани ҳал қилишда Эйнштейн бир "ҳаёлий тажриба" ўтказди. Тажриба қуйидагидан иборат. Фараз қилайлик бирор кучи ёки лифт ичида эркин тушаётган одам қалитини тушириб қўйди, лекин қалит лифт полига тушиб етмайди. Сабаби лифт, одам ва қалит ўлчовлари бир хил тезлик билан тушаётгани, уларнинг бир-бирларига нисбатан жойлашувлари сақланган бўлар эди. Худди шундай ҳолат барча гравитация манбаларидан бир хил узокликда турган рамзий нукта тўғрисида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Шуниси қизиқки, лифтдаги одам ўзини гравитацион майдонда турибдими ёки доимий тезланишда ҳаракатланаяптими аниқ билмайди. Демак, гравитацион ва инерциал эффектларни ажратиш бўлмайди. Эйнштейннинг эквивалентлик принципи айнан Ньютон механикасидаги гравитацион ва инерциал массаларнинг мос келишини тушунтириб беради.

Эйнштейн бу "тажрибани" янада кенгайтириб, ёруғликка ҳам тадбиқ қилиб кўрди. Фараз қилайлик, ёруғлик нури лифт кабинасини горизонтал кесиб ўтаётган бўлсин. Шу лифтнинг пастга туша бориши давомида ёруғликнинг чиқиш тирқиши унинг кириш тирқишидан полга нисбатан олганда юқорироқ бўлади. Чунки ёруғлик бир девордан кириб иккинчи деворга боргунча лифт биров бўлсада ҳаракатланиб бирор масофани

босишга улгуради. Шу ҳолда лифт ичида турган кузатувчи нурнинг биров бўлсада эгилганлигининг гувоҳи бўлади. Бу "тажриба"дан Эйнштейн реал дунёда ёруғлик нурининг катта массали жисмларга яқин масофадан ўтишида эгилиши мумкин эканлигини аниқлади. Махсус нисбийлик назарияси ҳам, умумий нисбийлик назарияси ҳам физика фанидаги инкилобий вақтида астрономлар кўёш гардишининг орқа томонида турган юлдузни кузатишга муваффақ бўлганлар. Маълум бўли-

НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИНING ЯРАТИЛИШИ

чи-ча, бу юлдуз Меркурий планетаси бўлган. Бу эса келаётган ёруғлик нурларини кўёш гравитацион майдони таъсирида эгилганлигининг исботи эди. Умумий нисбийлик назариясининг яна бир исботи бўлган бу ҳодисадан сўнг Эйнштейннинг шуҳрати янада ортиб кетди.

Нобел кўмитаси А.Эйнштейн қўлга киритган ютуқларни муносиб тақдирлади. Унга 1921 йилги Нобел мукофоти насиб этди. 1933 йили Олмонияда Адольф Гитлер ҳукумат тепасига келиши билан минглаб яҳудий миллатига мансуб кишилар қувғинга учрадилар. Улар орасида Эйнштейнга ўхшаган таниқли олимлар ҳам кўп эди. 1940 йилдан Америка Қўшма Штатлари фуқаролигига ўтади.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўз дунёқарашлари билан А.Эйнштейн бутун дунёни босиб олишга ҳаракат қилган фашистлар армиясини фақат куч билангина енгиш мумкинлигини тушуниб етди ва бир гуруҳ эмигрант олимлар номидан ўша вақтдаги АҚШ президенти бўлган Франклин Рузвельт номига хат билан мурожаатнома жўнатди. Бу мурожаатномада фашистлар томонидан атом бомбаси яратилиши ҳавфи ва эҳтимоли борлиги ҳамда бунинг ол-

дини олиш мақсадида Қўшма штатларда ҳам шундай бомбани яратиш учун алоҳида маблағ ажратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди. Шундан сўнг тез орада ураннын парчаланишини ўрганиш бўйича махсус лаборатория ва институтлар ташкил этилди. Лекин бу ишларнинг натижаси Эйнштейн ўйлагандек бўлиб чиқмади. 1945 йили АҚШ томонидан Япониянинг Нагасаки ва Хиросима шаҳарларига ташланган атом бомбалари минглаб беғуноҳ кишиларнинг ёстигини қуритди.

Яратилган илмий кашфиётлар баъзи урушқоқ давлатлар раҳбарлари қўлида оммавий қиргин қуролига айланиши тоза қалбли ва эрксевар олимларни ташвишга сола бошлади. Шу муносабат билан дунёдаги А.Эйнштейн каби атоқли тинчликсевар олимларнинг ташаббуси билан ядро қуролини ишлаб чиқариш ва уларни синовдан ўтказиш ишларига қарши халқаро конференция ҳамда симпозиумлар ўтказилди.

У умрининг сўнги кунларида ҳам водород бомбасининг қўлланилиши жуда салбий ҳодисаларга олиб келиши ва умуман уни ишлаб чиқарилишининг ман этилиши зарурлиги тўғрисидаги чақирикни қўллаб чиқди ҳамда бутун дунё давлатлари ҳукуматларига аталган ушбу чақирик битилган номага биринчилардан бўлиб имзо чекади.

У олти ёшдан скрипка чалишни ўрганган ва бутун умри давомида дам олиш вақтида мусика билан шуғулланган.

1903 йили ўз ўқувчиси Милева Маричга уйланган ва уларнинг оиласида икки ўғил туғилган.

Умри давомида хушчақчақликни ва меҳмондўстликни ёқтирган олим дам олиш вақтларида сув яхтасида сайр қилишни жуда ёқтирган. Шунинг учун ҳам дўстлари ва таниш-билишлари ўртасида баланд обрўга эга эди. Ҳаёти давомида унга жуда кўплаб турли соҳадаги лавозимлар таклиф қилишган. Масалан, 1952 йили унга Исроил давлатининг президенти лавозимини таклиф қилишганда А.Эйнштейн рад жавобини берган.

XX асрнинг энг буюк олими ва физика фанининг инкилобий ривожланиши асосчиси бўлган А.Эйнштейн 1955 йилнинг 18 апрелида оламдан ўтди.

Физика фани соҳасидаги Нобел мукофоти соҳиблари тўғрисидаги фикримизни кейинги мақолаларимизда давом эттирамиз.

Абдумажит ТЎРАЕВ,
физика-математика
фанлари номзоди,
Ўзбекистон Физика
жамияти ҳайъати аъзоси

ЖАНГАРИЛАР ТУГАТИЛМОҚДА

Чеченистонда вазият биров кескинлашди. Боиси, Россия федерал кучлари томонидан жангариларни тугатиш борасида олиб борилаётган махсус операциялар жиддийлашмоқда. Биргина, Шаро-Аргун дарасида 100 га яқин жангарилар жойлашган бўлиб, ҳозирда икки ўртада жанглар давом этмоқда.

"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, тўқнашувлар натижасида 20 дан ортиқ жангари йўқ қилинди. Шунингдек, федерал кучлардан бир нафари ҳалок бўлган, 8 нафари эса жароҳатланган.

ФАВКУЛОДДА ХОЛАТ ҚЎЛЛАШИ МУМКИН

Индонезия Президенти Абдурахмон Воҳиднинг айтишича, агарда парламент унга нисбатан импичмент қўллаш масаласи муҳокама этиладиган махсус сессияда Воҳиднинг шахсан қатнашишини талаб этса, у ҳолда Президент мамлакатда фавкулодда ҳолат жорий этмоқчи. Шунингдек, у парламент фаолиятини ва мuddатидан аввал сайловлар ўтказишга бўлган уринишларни тўхтатиб қўйиш ҳам мумкин. Тугаётган ҳафтада А.Воҳид Австралия ҳамда Янги Зеландия давлатларида сафарда бўлиб қайтди.

КИМ ЯНГИ РАХБАР БЎЛАДИ?

Америка Федерал Тергов Бюроси (ФТБ) фаолиятини ҳозирда директор ўринбосари Томас Пикард бошқармоқда. Чунки, Луис Фри ўзининг расмий бошқарув мuddати тугагани боис ишдан озод этилди.

Бош прокурор Жон Эшнкрофтнинг айтишича, унинг олиб борган фаолияти ҳукумат томонидан юқори баҳоланган. Айни пайтда эса бюрога янги раҳбар тайинлаш масаласи муҳокама этилмоқда. Тахминларга кўра, Сан-Франциско федерал прокурори Роберт Мюллер бу лавозимга тайинланиши мумкин.

ОНАСИНИ ЎЛДИРГАН ҚИЗ

Американин Чикаго штатидан бўлган 14 ёшли қиз 7 йиллик жазо мuddатини ўташ учун болалар ахлоқ тузатиш колониясига юборилди. Боиси, у ўз онасини таёқ билан 200 мартадан ортиқ савалаган ва натижада онаси ҳаётдан кўз юмган эди.

Қизнинг исми ошкор этилмаган.



Яқинда чоп этилган "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласининг мазмун-моҳиятини очиб беришга кўмаклашувчи плакатлар ўзига хос кўзгу вазифасини ўтайди.

Китобнинг барча бўлимига мос равишда чиқарилган олтинга плакатнинг ҳар бири Президентимиз Ислоҳ Қариновнинг маълум мавзу бўйича ("Ватан равнақи", "Юртинчилиги", "Халқ фаровонли-

ЎЗИГА ХОС КЎЗГУ
ги", "Комил инсон", "Миллатлараро тотувлик", "Динлараро бағрикенглик (толерантлик)") айтган пурҳикмат фикрлари билан бошланади. Улардаги суратларда эса юртимиз ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олиш-

га ҳаракат қилинган. Ушбу кўргазмани восита барча тизимдаги маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланувчи ходимлар фаолиятига кўмакдош бўлиб, миллий истиқлол гоёсининг асо-

сий тушунча ва тамойилларини кенг омма онига сингдиришга ёрдам беради. Плакатлар "Маънавият" нашриётида нашрга тайёрланган.
Хусан НИШОНОВ

Болаларнинг дарслик китобларини ўз вақтида сотиб олишни унутманг!

Вилоят, туман халқ таълими бошқармалари ва мактаб директорлари ҳамда она-оналар диққатига!

"O'ZDAVKITOVSAVDOTA'MINOTI" очик акционерлик жамияти 2001-2002 ўқув йили учун таълим-тарбия ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-11-синфларига мўлжалланган дарсликларни таклиф этади ва республикамизнинг барча вилоятларига етказиб беради. Улгуржи савдога 10-15 фоиз чегирма берилади.

ЎЗБЕК ТИЛИ

2-синф

- Н.Бикбаева. Математика (700 сўм)
- Н.Бикбаева. Математика дафтари № 1 (20 с)
- Н.Бикбаева. Математика дафтари № 2 (20 с)
- Х.Эгамов. Ўзингиз қуринг ва ясанг (27 с)
- К.Қосимова. Она тили (387 с)
- А.Григорянц. Атрофимиздаги олам (389 с)
- Р.Толипова. Русский язык (327 с)
- Қ. Абдуллаев. Ўқиш китоби (774 с)
- Х. Норматов. Мусиқа (406 с)
- Х.Фулумов. Хуснихат (103 с)
- 3-синф**
- М.Фулумов. Хуснихат (20 с)
- М.Умарова. Ўқиш китоби (510 с)
- Р.Толипова. Русский язык (456 с)
- С. Фузаилов. Она тили (487 с)
- Х. Нурматов. Мусиқа (496 с)
- Н.Бикбаева. Математика (680 с)
- 4-синф**
- А.Григорянц. Кундалик кузатиш дафтари (1139 с)
- А.Григорянц. Табиатшунослик (1139 с)
- Н.Бикбаева. Математика (890 с)
- А. Жалилова. Ўқиш китоби (648 с)
- Р.Толипова. Русский язык (538 с)
- Р.Икромов. Она тили (801 с)
- 5-синф**
- Т.Пошшахўжаева. Мехнат таълими (24 с)
- У. Маҳкамов. Ватан туйғуси (460 с)
- С.Булатов. Ганчкорлик (16 с)
- Ж.Икромов. Математика (894 с)
- Р.Толипова. Русский язык (771 с)
- Н.Каримов. Адабиёт (721 с)
- У. Жўраев. Жаҳон тарихидан ҳикоялар (624 с)
- Ў.Пратов. Ботаника 5—6-с. (850 с)
- Б. Аҳмедов. Ватан тарихидан ҳикоялар (539 с)
- Х.Неъматов. Она тили (289 с).
- З.Шайхутдинова. Немис тили (1424 с)
- О.Скасцова. Немис тили - иш дафтари (820 с)
- Г. Мусаев. Табиий география (476 с)
- Р.Раҳимқориев. Математикадан масалалар тўплами (487 с)
- А.Мансуров. Мусиқа (471 с)
- 6-синф**
- А. Кабиров. Жаҳон тарихи (940 с)
- Х. Неъматов. Она тили (412 с)
- Р. Толипова. Русский язык (770 с)
- А.Саъдуллаев. Ўзбекистон тарихи (750 с)
- Қ. Йўлдошев. Адабиёт (609 с)
- А. Абулқосимов. Материклар ва океанлар географияси (1280 с)
- Д.Шодиев. Физика (592 с)
- Д.Икромов. Математика (890 с)
- 7-синф**
- А.Мухаммаджонов. Ўзбекистон тарихи (864 с)
- А.Гайбуллаев. Геометрия (395 с)
- Т.Курбонов. Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари (789 с)
- П.Фулумов. Туркистон табиий геогра-

- фияси (454 с)
- О.Мўминов. Ўзбекистон табиий географияси (658 с)
- К. Йўлдошев. Адабиёт (782 с)
- С. Ислоҳбекова ва б. Русский язык (624 с)
- Д. Шодиев. Физика (574 с)
- Х. Неъматов. Она тили (219 с)
- Ш.Алимов. Алгебра (770 с)
- С.Тешабоев. Анорганмик кимё (595 с)
- 8-синф**
- А. Каттабеков. Адабиёт (980 с)
- Н. Гайбуллаев. Геометрия (490 с)
- И. Смирнова. Инглиз тили (454 с)
- З. Акрамов. Ўзбекистон иқтисодий географияси (1035 с)
- Р. Фармонов. Жаҳон тарихи (660 с)
- Ш. Алимов. Алгебра (950 с)
- Х. Неъматов. Она тили (280 с)
- Д. Шодиев. Физика (850 с)
- 9-синф**
- Б.Тўхлиев. Ўзбек адабиёти (732 с)
- А.Каримова. Русский язык (73 с)
- Д. Шодиев. Физика (850 с)
- М.Нишонов.Анорганмик кимё (460 с)
- Ж. Раҳимов. Ўзбекистон тарихи (1244 с)
- А.Ортиқов. Геометрия (547 с)
- 10-синф**
- Р. Толипова. Русский язык (500 с)
- Т. Жалолов. Инглиз тили (600 с)
- А. Рафиқов. Амалий география (700 с)
- Тўплам. Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. (176 с)
- Тўплам. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (135 с)
- Б. Қосимов. Ўзбек адабиёти (1014 с)
- Ў. Жўраев. Дунё динлари тарихи (790 с)
- Ш. Алимов. Алгебра ва анализ асослари (10-11 с) (880 с)
- 11-синф**
- Н. Шахмаев. Физика (124 с)
- Т. Жалолов. Инглиз тили (515 с)
- КИРГИЗ ТИЛИ**
- 2-синф**
- Н.Бикбаева. Математика дафтари №1 (45 с)
- Н.Бикбаева. Математика дафтари №2 (45 с)
- 3-синф**
- Н.Бикбаева. Математика (45 с)
- 4-синф**
- Н.Бикбаева. Математика (748 с)
- А.Григорянц. Дневник наблюдений (460 с)
- 5-синф**
- Б.Аҳмедов. Ватан тарихидан ҳикоялар (521 с)
- 7-синф**
- А.Умронхўжаев. Техникавий графика асослари (190 с)
- А. Гайбуллаев. Геометрия (242 с)
- 8-синф**
- З.Акрамов. География (265 с)
- КОЗОК ТИЛИ**
- 2-синф**
- А. Григорянц. Атрофимиздаги олам (190 с)
- М. Омаров. Ўқиш китоби (785 с)
- 3-синф**
- Н. Бикбаева. Математика (680 с)
- 5-синф**

- Ж. Икромов. Математика (225 с)
- Т. Одилов. Ботаника (700 с)
- 6-синф**
- П. Мусаев. География (265 с)
- Ў. Пратов. Ботаника (700 с)
- 7-синф**
- Н. Гайбуллаев. Геометрия (242 с)
- 8-синф**
- А. Мамажонов. Анорганмик кимё (713 с)
- Ш. Алимов. Алгебра (292 с)
- А. Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари(73 с)
- 9-синф**
- А. Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (108 с)
- Ш. Алимов. Алгебра (147 с)
- 10-синф**
- А.Абдуқодиров Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (253 с)
- ТОЖИК ТИЛИ**
- 2-синф**
- А. Григорянц. Атрофимиздаги олам (165 с)
- Н. Бикбаева. Математика (759 с)
- Х. Сабоҳий ва бошқалар. Ўқиш китоби (915 с)
- 3-синф**
- А. Воҳидов. Забони мадори (754 с)
- Н. Бикбаева. Математика (680 с)
- 4-синф**
- А. Григорянц. Кундалик кузатиш дафтари (190 с)
- 5-синф**
- Б. Аҳмедов. Ватан тарихидан ҳикоялар (521 с)
- 6-синф**
- Т. Одилов. Ботаника (250 с)
- Ж. Икромов. Математика (810 с)
- 7-синф**
- А. Умронхўжаев. Техникавий графика асослари (100 с)
- А. Гайбуллаев. Геометрия (395 с)
- Ш. Алимов. Алгебра (470 с)
- 8-синф**
- А. Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (73 с)
- А.Мамажонов. Анорганмик кимё (115 с)
- Ш.Алимов. Алгебра (290 с)
- 9-синф**
- А. Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (108 с)
- ТУРКМАН ТИЛИ**
- 2-синф**
- А. Григорянц. Атрофимиздаги олам (460 с)
- К. Абдуллаев. Ўқиш китоби (800 с)
- 3-синф**
- Н. Бикбаева. Математика (680 с)
- 5-синф**
- Ж. Икромов. Математика (225 с)
- Б. Аҳмедов. Ватан тарихидан ҳикоялар (453 с)
- Ў.Пратов. Ботаника (910 с)
- 7-синф**
- Ш. Алимов. Алгебра (74 с)
- 8-синф**
- А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (73 с)

- А.Мамажонов. Анорганмик кимё (113 с)
- 9-синф**
- А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (108 с)
- Ш.Алимов. Алгебра (262 с)
- 10-синф**
- А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (286 с)
- РУС ТИЛИ**
- 2-синф**
- В. Кожуховская. Путешествие в мир слов 1-2 часть (520 с)
- Н.Бикбаева. Математика (680 с)
- 3-синф**
- Н. Бикбаева. Математика (825 с)
- А. Григорянц. Дневник наблюдений (210 с)
- В. Кожуховская и др. Путешествие в мир слов 1-2 часть I-(724) II-(720 с)
- 4-синф**
- А. Григорянц. Дневник наблюдений (215 с)
- Н. Нефедохова. Занимательная математика в начальных классах (846 с)
- Н. Бикбаева. Математика (890 с)
- 5-синф**
- Ж. Икромов. Математика (683 с)
- П. Мусаев. Начальный курс физическое географии (655 с)
- Б. Аҳмедов. Рассказы из истории родины (550 с)
- Г. Шеглова. Литература (1250 с)
- 6-синф**
- Ж. Икромов. Математика (810 с)
- О. Мавлонов. Зоология (1385 с)
- А. Саъдуллаев. История Узбекистана (750 с)
- 8-синф**
- В. Варфоломеев. Литература 1-2 часть (I-835, II-870 с)
- 9-синф**
- В. Зеленина. Русский язык (795 с)
- Ж.Раҳимов. История Узбекистана (1020 с)
- 10-11-синф**
- Сборник. Конституция Республики Узбекистана (135 с)
- Ҳисоб-китоб нақд ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.**
- Мурожаат учун бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
- Телефон: 8-(372) 144-81-40, 144-53-77 Факс: 144-23-94**
- Урганч ш.: 8-(362-22) 4-32-11**
- Навоий ш.: 8-(436-22) 5-44-57**
- Самарқанд ш.: 8-(366-2) 29-53-86**
- Бухоро ш.: 8-(365-22) 31-44-7**
- Қарши ш.: 8-(375-22) 56-12-7, 57-34-7**
- Термиз ш.: 8-(376-22) 31-104**
- Андижон ш.: 8-(374-2) 46-27-08**
- Наманган ш.: 8-(369-22) 62-11-0**
- Фарғона ш.: 8-(373-2) 24-56-90**
- Марғилон ш.: 8-(373-2) 33-55-83, 33-36-83**
- Нукус ш.: 8-(361-21) 5-30-69**
- Гулистон ш.: 8-(367-2) 25-03-88**
- Жиззах ш.: 8-(372-22) 4-18-41**

МУАММОЛАРГА ОЛДИНДАН ЕЧИМ ТОПИЛАЯПТИ

Ҳа, миллий Олимпия Қумитасининг навбатдаги йиғилишида бу янада ойдинлашди.

Маълумки, Осие Олимпия Кенгашида Ўзбекистоннинг обриси юқори эканлиги таъкидланиб, 5 нафар вақилимиз унинг турли ишчи қумиталари таркибига кирган эди. Гофур Раҳимов эса, минтақадаги ушбу нуфузли спорт ташкилоти вице-президенти этиб сайланганди. ООК ас-самблеясида йиғирмадан зиёд саволлар муҳокама этилган бўлса, улардан энг муҳими 2008 йилда қишқи Осие ўйинларини ва навбатдаги ёзги олимпиада мусобақаларини ўтказишга даъвогар шахарлар тақдироти бўлди. Шунингдек, Марказий Осие ўйинларини Ашхобод шаҳри шу йил 5-10 ноябрь кунлари ўтказишга тайёр эканлиги эълон қилинди. Гарчи бу даврда Хиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида биринчи марта Афро-Осие ўйинлари бўлиб ўтса-да, бизнинг асосий эътиборимиз Марказий Осие мусобақаларига қаратилади. Бу делегация таркибига 253

Югуриш бўйича навбатдаги Умуммиллий олимпиада кунини ниҳоясига етди. Тўққизинчи бор ўтказилган ушбу мусобақаларнинг минглаб финалчилари Халқаро олимпия Қумитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч имзоси билан тасдиқланган сертификатларни олдилар. Истиқлолнинг ўн йиллигига бағишланган ушбу мусобақанинг ўтган йиллардагидан фарқли жиҳатлари талайгина. Аввало, унда хоҳловчилар эмас, балки вилоятлар ва худудларда голиб чиққан спортчилар иштирок этди. Иштирокчиларнинг 5 ёшдан 70 ёшгача эканлиги эса, мусобақалар жозибдорлигини таъминлади. Шунингдек, Умуммиллий олимпиада кунини югуриш беллашувларида дипло-



спортчи билан бирга расмий кишилар, врачлар ва журналистлар киритилиши кузда тутилган. Жамоамиз спортнинг 12 тури бўйича баҳс олиб бориши режалаштирилган.

Спорт турлари бўйича номзодлар аниқланиб, умумий йиғинлар муддатлари ҳам белгилаб олинди. Йиғилишда ўзбекистонликлар деярли 100 фоиз имкониятга эга булган спортнинг енгил атлетика ва сузиш турлари бўйича мезбонларнинг мусобақа ўтказмаслик таклифи урганиб чиқилди.

Умуман, спортчиларимизнинг нуфузли мусобақалардаги иштирокини таъминлаш мақсадида моддий таъминот масаласи муҳокама этилди. Миллий Олимпия Қумитаси тасарруфида "Олимпик-Тур" шўъбаси тuzилдики, бу ташкилот ишқибозлар ва мухлисларнинг спортчиларимиз билан чет элларда ҳам бирга булишларини таъминлайди.

«БИЛБОЛ» — ҲАРАКАТЛИ ЎЙИН

Кўпчилик муштарийларимизга маълумки, газетамизнинг ўтган йилги сонларидан биринчи «Билбол» ўйини ҳақида қисқача маълумот бергандик. Қудрат Назаров томонидан тайёрланган ушбу ўйин республика Таълим маркази «Жисмоний тарбия бўлими» илмий-методик кенгашида муҳокама қилинган, «Билбол»ни лойиҳа сифатида кўриб чиқиш, ҳаракатли ўйин тарикасида тасдиқлаш ҳамда вилоятларда тажриба-синов сифатида қўллаш тавсия этилган эди.

Кейинчалик «Ўзбекистонда миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш республика Миллий спорт маркази» ва «Билбол» хусусий фирмаси ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Ушбу шартноманинг мақсади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги 271-сонли «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистонда миллий спорт

турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда уларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборат.

Шартномага кўра, «Миллий спорт маркази» ва «Билбол» хусусий фирмаси ўйинни тарғиб қилиш, ўйин қоидаларини тасдиқлаш ва ишлаб чиқарилган қурилмаларни тарқатиш ҳамда сотишни ташкил эта бошлади.

Бу галги чиқишимизда «Билбол» ишқибозларига ўйин қоидаларини ҳавола этмоқдамиз.

Америкалик афсонавий теннис юлдузи Пит Сампрас ҳақида ҳозирда жуда кўп гапирилмоқда. «Катта шляпа» номи билан аталувчи Уимблдон турнирининг 13 марта бош совринини қўлга киритган Пит душанба кунини Лондонда бошланган жаҳоннинг энг зўр теннис биринчилигидан олдин фаолиятига доир ўз фикрини баён қилди: «Мен ўзимнинг кортдаги сўнгги ўйинимни Уимблдонда шу йил финал мусобақаси билан якунланишини хоҳлардим. Агар бош совринни қўлга киритсам бу менинг теннис билан хайрлашувимни таъминлар эди».

Албатта, бу журналистга берилган интервьюдан олинган бир жумла, холос. Ва ушбу фикр Сампрас теннисдан кетади, дегани эмас. Чунки унинг ўзи

ОММАВИЙ
ТАДБИРДАН
ЖАҲОН
ЧЕМПИОНАТИГА

матик корпус, чет эл фирмалари ва компаниялари, қўшма корхоналар вакилларининг қатнашгани ҳам аҳамиятга молик.

— Ўтган йили маълум сабабларга кўра югуриш бўйича олимпиада кунини баҳсларида қатнаша олмагандик. Бу гал 12 кишилик гуруҳ бўлиб қатнашдик. Хатто бир мутахассисимизнинг ўғли биринчи ўнликдан жой олди, — дейди Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили.

Мукофотланганлар орасида тошкентликларнинг кўпчилик эканлиги бу ерда тайёргарлик ва саралаш босқичлари жиддий тарзда ўтказилганидан далолатдир. «Кока-кола», «Совластитал», чинни заводи ва «Фастум гел» корпорацияси каби ҳомийларнинг совғаларини олган голиблар эса ушбу мусобақаларда мунтазам иштирок этиш ниятида кетдилар.

Асосийси, енгил атлетика бўйича мураббийлар жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун белгиланган талабларни бажарган 4 нафар спортчини аниқлашга муваффақ бўлдилар.



БИЛБОЛ ЎЙИНИ ҚОИДАЛАРИ

1. Шахсий беллашувда икки ўйинчи қуръа ташлаш йўли билан аниқланиб, ўйинни бошлади. Жамоа бўлиб ўйнаганда (4 та ва ундан ортиқ иштирокчи) қуръа жамоа сардорлари ўртасида ташланиб, қайси жамоа биринчи бўлиб ўйинни бошлаши аниқлаб олинади.
2. Ўйин майдоннинг ўрта қисми лузаларнинг тўғрисида 10 та учбурчак шаклида терилган коптокларни 1 метр 25 сантиметр қаршиликда ўн биринчи тўпни тепиш билан бошланади. Ўйин жараёнида агар биринчи зарбадан кейин тўп лузага тушмаса, тўпни уриш навбати рақиб томонга ўтади.
3. Ҳар бир лузага киритилган тўп учун 2 очко берилади.
4. Ўйин давомида ўйинчи тўпни майдон ташқарисига чиқариб

юборса, ўйин навбати рақибга ўтади.

5. Ўйинчи иккинчи бор тўпни майдон ташқарисига чиқариб юборса, очкоси бўлса унинг 1 очкоси олиб ташланади ва тўпни тепиш навбати рақибга ўтади.

6. Ўйинчи 1 очко йўқотгандан кейин ҳам майдон ташқарисига тўпни чиқариб юборса, ўйинчининг бир тўпни ўйин майдонига қайтарилади. Ўйин навбати рақибга ўтади.

7. Қайси бир ўйинчининг ташқарига чиқариб юборган тўпларининг сони 5 тага етса, ўйин тўхтатилиб, унга мағлубият ёзилади.

8. Ўйин шу тахлит якунлангунча давом этади.

9. Ўйинда жаримасиз киритилган 5 тўп учун 10 очко берилади

ва ҳалол ютган ҳисобланади.

10. Ўйин давомида ўйинчига бир жарима, икки танбех берилган бўлса, энди у голиб бўлиши учун 6 тўпни лузага киритиши керак бўлади.

11. Тепилган тўп тўпга теғмаса, ўйинчининг бир коптоги ўйин майдонига қайтарилади.

12. Ўйин вақти 20 дақиқа давом этади.

Ким кўп очко тўплаган бўлса, голиб деб аниқланади.

«Билбол» майдони бўйига нисбатан эни икки баробар кичик хоҳлаган ўлчамда бўлиши мумкин. Масалан: 2,5х5; 3,5х7; 5х10 ва ҳ.з. Майдон четдаги тўсиқ баландлиги 32 см. Копток диаметри 56 см. вазни 320-350 г. бўлади.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

«ФАОЛИЯТИМ
«ФИНАЛ»
БИЛАН
ТУГАСА»

ҳали бу ҳақида аниқ қарорини эълон қилмоқчи эмас.

Яна шуниси ҳам борки, бу йилги баҳсларда кейинги пайтлардаги мағлубиятлари домидан чиқиш ҳаракатидаги Е.Кафельников, омадли М.Сафин каби теннисчилар иштирок этмоқдаки, Пит Сампрас фаолиятини «финал» билан тугатиши амри маҳолдек туюлади. Айнан шу икки ракетка усталарининг тайёргарлиги мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, теннис мусобақалари бошланишидан об-ҳавонинг ёмғирли сийловлари бу йил ҳам такрорланмоқда. Бу кимгадир «товуқнинг музда юриши» каби қийинчилик туғдирса, бошқа бировга «балиқнинг сувда сузиши»дек қулайлик бахш этади.

Муҳаббат СОЛИХОВА

ЧЕМПИОН РИНГДАН КЕТИШГА ТАЙЁР

Аксарият бокс мухлисларига таниш бўлган, кўплаб жангларда фақат ўзигагина хос услуб билан рингларда ҳаракат қилиб, олқишлар қуршовида қолувчи Оскар Де Ла Хойя ўз фаолиятини якунламоқчи эди. Бунинг учун у WBC йўналиши бўйича белидаги жаҳон чемпиони камарини испаниялик Хавьера Кастильехо билан бўладиган жангда ютқизиши керак эди.

Мутахассислар Оскарнинг имкониятларини юқори баҳолаётган бўлса-да, у — «менинг мағлубиятим қўлқопимни михга илиб, рингдаги «бизнесим»га нукта қўйишимни англатади» — дея фикр билдирганди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Де Ла

Хойя — яна чемпион бўлди. Ўтган шанба кунини у жаҳон чемпиони камари учун Хавьерга билан ўтказган жангида WBC йўналиши бўйича ўз камарини сақлаб қолди. Жуда кам ҳолатларда ўз юртидан ташқаридаги рингларда жанг олиб боровчи испаниялик боксчи Кастильехо бу гал Лас-Вегасдаги «MGM Grand hotel» залида мағлубият аламини татиб кўрди. Ушбу жангдан сўнг ҳам Оскарнинг сўзи ўз кучида қолди: агар у бирор жангда ютқазса, бокс билан хайрлашишга тайёр.

Нигина ПОЛТАЕВА

«Маърифат» газетаси жамоаси газета таҳрир хайъати аъзоси таниқли шифокор Жуманазар Бекназаровга онаси ДАВЛАТ момонинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



Таътилдаги саёҳат

Равиль Альбеков олган сурат-лавҳа.

УСТОЗЛАР

Кўнгли изҳори

ТОРТИМТА

Ko'ngil bitiklari



Хароба кўнглимда хароба ишқим,
Кечиргин сен томон бўйлаёлмайман.
Болаликка қайтгим келса-да, менинг,
Хатто у ҳақида ўйлаёлмайман.

Болалик!
Айт, кўчанг шунча тормиди?
Кўчангдан ҳайдадинг жуда ҳам эрта.

Муҳаббат!
Айт, диллар сенга зормиди?
Ортингдан термулдим мен кета-кета...

Болалик,
Айладинг кўёш, ойимга,
Энди тушларимга кирасан бот-бот.

Муҳаббат,
Сидрилик тушдинг пойимга,
Куйлаганим энди маҳзун муножот.
Хароба кўнглимда хароба ишқим...

Сайёра ЭРГАШЕВА,
Жиззах шаҳридаги 14-мактаб ўқитувчиси

ТОПОЛМАДИМ

Дунёнинг турфа хил ишларин кўрдим,
Гоҳ шайтон, гоҳ Раҳмон йўлидан юрдим.
Гоҳ куллар қошида кул бўлиб турдим,
Лек ўзимдан ўзга дўст тополмадим.

Муҳаббатга сиғиндим забун айлади,
Дўст деб тутганларим ўкин шайлади.
Хатолар сайёддек йўлим пойлади,
Мен ўзимдан ўзга дўст тополмадим.

Кимлардир суйқалиб кўлимдан тутди,
Кимлардир бошимни силаб овутиди.
Нархимни билдию пуллади-кетди,
Мен ўзимдан ўзга дўст тополмадим.

Маҳбуба НАЗАРОВА,
Бухоро шаҳридаги Алишер
Навоий номидаги 4-мактаб ўқитувчиси

Сен ўзингсан сирли хазина,
Чиройингдан кўзлар қамашар.
Илҳом бердинг ўғил-қизингга,
Бугун сенга боқар кенг башар.
Ўзбекларнинг юртисан асли,
Кўплаб халқлар бордир бағрингда
Ўғлонларинг Алпомиш насли,
Мардлик оқар улар қонида.
"Тош отганга ош от" дер халқинг,
"Меҳмон, — дейди, — отангдай улуг".
Ўзингдек пок ҳар битта нақлинг,
Ҳар бир ҳовуч тупроғинг қутлуғ.
Бу эл берган буюк олимлар
Кашфиёти олдида ҳайрон,
Лолдир ўзга юртлик инсонлар,
Тасаннолар айтади жаҳон.
Буюк Темур авлодларининг
Томирида оқар экан қон,
Оллоҳ сени қўлласа доим,
Тинчлик берса, берса ғалла - дон,
Инсоф берса инсонларининг
Ҳар бирига дунё кўрган он.
Фахр билан эъзозлаб номинг
Тилга олар ҳар бир қиз, ўғлон.
Ер аталмиш бу сайёранинг
Бир юртида ёзарлар дoston
Ёзиб ҳеч ким адо қилолмас,
Номи буюк, маъноси осмон.
Ўзгачадир унинг баҳори,
Ўзгачадир ҳар чаман бўстон.
Ўзгачадир шоми-сахарин,
Бекиёсдир бу Ўзбекистон.
Қайга бормай Шарқ ёки Фарбга,
Сенга бўлган муҳаббат ҳамдам,
Бу кун илҳом жо айлаб қалбга,
Менга қалам тутқаздинг Ватан!

Раёна АХМЕДОВА,
Ҳамза туманидаги 215-мактабнинг
рус тили фани ўқитувчиси

Жонингизни тикдингиз элга,
Меҳр нурун бердингиз дилга,
Яқиндирсиз ҳар бир кўнглига,
Фаҳримизсиз азиз устозлар,
Баҳтимизсиз азиз устозлар.

Фаришталик чехрангиз доим,
Сўзларингиз оқил, мулойим.
Сизга умр берсин илоҳим,
Фаҳримизсиз азиз устозлар,
Баҳтимизсиз азиз устозлар.

Нур ёғилар юзларингиздан,
Меҳр оқар кўзларингиздан.
Маъно тердик сўзларингиздан,
Фаҳримизсиз азиз устозлар,
Баҳтимизсиз азиз устозлар.

Дуоларга очсангиз кўлни,
Нурафшонлар этарсиз дилни.
Кўрсатарсиз бизга ҳақ йўлни,
Фаҳримизсиз азиз устозлар,
Баҳтимизсиз азиз устозлар.

Кўшиқ қилиб куйлайин сизни,
Кечаларга улаб кундузни,
Оқлагаймиз биз тузингизни,
Фаҳримизсиз азиз устозлар,
Баҳтимизсиз азиз устозлар.

Ўткир Жўраев

QUTLOV!

Ҳурматли устозларимиз Улмоной опа
ва Баҳриддин ака Саъдуллаевлар!

Сизлар чорак асрлик масъулиятли, шарафли
педагогик фаолиятингиз давомида кўплаб шогирд-
лар етиштирдигиз, обрў-эътибор топдингиз, са-
марали меҳнат ютуқларига эришдингиз.

Сизларнинг бахтли турмушингиз, эзгу ишингиз,
ҳаётингиз мазмуни — ўқитувчилик касби умрингиз-
ни янада беэзаб, бойитиб бораверишини истаб қола-
миз.

Кўшраборт туманидаги 31-мактаб жамоаси,
оила аъзоларингиз ва дўстларингиз.



Ma'rifat

ТАЪСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ
таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва
ўрта махсус таълим
вазирлиги, Таълим ва фан
ходимлари касба
ушмаси Марказий
Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АХМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фаҳриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҶИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари
масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳ-
ририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва
оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида
терилди. Pentium компьютерида

Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Дилбар ҲҶЖАЕВА,
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

СОДИҚЛИК
(Ҳодиса)

Итнинг инсонга содиқлиги ва вафодорлиги хусусида мақол, ривоят ва афсоналар бор. Тилсиз, аммо ақлли уй ҳайвони ҳақида одамлар ҳаминша яхши тасаввурга эга. Қадимда итлар чорва молларини турли йиртқичлардан асраб, кўриқлаган. Улар ўз эгаларига вафо қилиб, садоқат намунасини кўрсатишган.

Уйимизда ит бор. Қоплон деб номлаганмиз. У жуда кўп йилдан бери хонадонимизнинг беминнат хизматкори ва овунчоғи. Ҳовлимиз саҳни катта, уй ҳайвонлари, экинзор бор. Қоплон уларни кўриқлайди.

Ит кўчадан кириб келган кишини тишламаса ҳам, бегона бўлгани боис уйга киритмай кўнглига гулгула солиб туради. Токи мезбон чиқиб, меҳмонни бошлаб кирмагунча Қоплон ўз вази фасини ўтаб тураверади, яъни ҳалиги киши уйга киролмайди.

Мен Қўшраборт тумани худудига қарашли Тўра кишлоғида туғилиб, катта бўлдим. Бизда қўй-эчкилар учун даштдан хас-чўп, янтоқ йиғилади. Эсимда, бир куни акам Қоплонни олиб, янтоқ чопишга чиқиб кетди.

Кун иссиқ, кишининг нафаси қайтиб кетади. Акам терлаб-пишиб эгнидаги костюми ва дўпписини ечиб, ёнига кўяди. Кеч тушгач, ишларини саранжомлаб олган акам уйга шошади ва табиийки кийим-боши эсидан чиқади.

У Қоплонга овқат бермоқчи бўлиб, жойига қараса, «дўсти» йўқ. Келиб қолар дея кутдик, келмади. Эртаси куни биз уни даладан, акам хашак йиққан жойдан топдик. Не кўз билан кўрайликки, у акамнинг кийим-кечакларини кўриқлаб ўтирган экан.

Биз барчамиз хурсанд бўлиб, Қоплоннинг ақлу фаросатига тан берган ҳолда ўзимиз билан бирга олиб қайтдик. Кошки эди, бундай содиқликни инсонлар ҳам бир-бирларига кўрсатишса...

Н.САЛИМОВА

Газета Ўзбекистон Респуб-
ликаси Давлат Матбуот
Кўмитасида № 20 рақам
билан 12 июнь 1998 йил
рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-2517. Тиражи 26.348.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ,
Офсет усулида босил-
ган, қоғоз бичими А-3.
Босишга топшириш
вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00